

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 28 » декабрь 20 19 у.

№ 1049

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча
прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясini “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони ва “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” 2019 йил 19 февралдаги ПК–4193-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга паспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУК Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

мазкур қарор билан тасдиқланган низомларга мувофиқ давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам кўрсатилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида муурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

3. Фуқароларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш соҳасида давлат хизматини кўрсатиш дастлаб тажриба тариқасида Тошкент шаҳрининг Бектемир ва Чилонзор туманларида, 2021 йил 1 январдан бошлаб эса республика миқёсида фақат Давлат хизматлари марказлари орқали жорий этилиши белгилаб қўйилсин.

4. Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассисларга ва тор ихтисосдаги мутахассисларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш учун асосланмаган илтимосномалар берганлиги, шунингдек, ушбу шахсларнинг лавозимдан озод қилинганлиги, бошқа ишга ўтганлиги ёки пенсияга чиққанлиги тўғрисида ўз вақтида хабар бермаганлиги учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига фуқароларни доимий ва вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини соддалаштириш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

фуқароларни прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини яшаш жойига яқин ва уларга қулай бўлган хоҳлаган туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари томонидан амалга ошириш тартибини жорий қилиш;

фуқароларни прописка қилиш ёки турган жойи бўйича ҳисобга олиш уй-жой мулкдорларининг шахсан иштироки талабини бекор қилиш ҳамда ҳужжатларни уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш тизимини жорий этиш;

фуқаролар янги яшаш жойига келганда доимий прописка қилиш ёки турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддатини ўн кунгача узайтириш;

турган жойи бўйича ҳисобга олишда ФХДЁ идоралари томонидан берилган гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотларни электрон тизим орқали ФХДЁнинг ягона архивидан олиш тизимини жорий этиш ва бошқалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри
ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш, пропискадан
чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда фуқаролар деб аталади) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш, доимий пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

васийлик – ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

даволаш муассасалари – санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасарруфидаги ва хусусий клиникалар, шифохоналар, касалхоналар ва бошқа тиббий муассасалар;

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, апартаментлар, апартаментлар комплекси (резиденция), спа-меҳмонхоналар, бутик-отеллар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, туристик қишлоқлар, кемпинглар, санаторийлар, пансионатлар, дам олиш зоналари ва уйлари (марказлари), туризм ва спорт базалари, палаткали (кемпинг) лагерлар ва комплекслар, оилавий меҳмон уйлари, ўтов ва палаткали лагерлар ва бошқа объектлар, шунингдек, тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти автотранспортлари;

меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар – болаликдан ногиронлар, олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар, белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган фуқаролар;

ҳомийлик – ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

“E-mehmon” дастури – меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларни ҳисобга олишнинг махсус электрон автоматлаштирилган дастури.

3. Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий яшаш жойларида пропискадан ўтишлари ва (ёки) турган жойларида ҳисобда туришлари шарт.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, турган жойи бўйича ҳисобга олинмаганлиги ёки доимий пропискада турмаганлиги фуқарога хизмат кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланиши мумкин эмас.

Фуқаролар янги яшаш жойига келган кунидан эътиборан ўн кун ичида доимий пропискада туриш ёки ҳисобга қўйиш учун ҳужжатларни ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига (кейинги ўринларда МваФРБ деб аталади) тақдим этишлари шарт.

16 ёшга тўлмаган шахсларни доимий прописка қилиш ва ҳисобга олиш уларнинг ота-оналари ёки ота-оналарининг ўрнини босувчи шахсларнинг хоҳишига кўра ихтиёрий асосда амалга оширилади.

4. Фуқароларни доимий прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш хизматлари уларнинг яшаб турган жойларига яқин бўлган туман, шаҳар ички ишлар бўлимлари МваФРБ томонидан амалга оширилади.

Доимий пропискага эга бўлиш ва турган жойлари бўйича ҳисобда туриш учун фуқаролар Давлат хизматлари марказларига ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали мурожаат қилишлари ҳам мумкин.

5. Давлат хизматлари кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

б) МваФРБга ўзи келиб мурожаат этганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади;

в) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

2-боб. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби

6. Фуқароларни доимий прописка қилиш “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган **Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхатига** (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхатда назарда тутилмаган шахслар тоифаси Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

7. Рўйхатнинг 1-бандига мувофиқ 2011 йил 15 сентябрга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномалари асосида турар жойга эга бўлган фуқаролар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ва хусусийлаштириш асосида, суд қарорига кўра ҳамда мазкур Низомга мувофиқ уй-жой олган фуқаролар доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (кейинги ўринларда паспорт деб аталади);

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма).

Рўйхатнинг 1 ва 8-бандлари асосида Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 5-бандлари асосида доимий прописка қилинади.

8. Қонун кучга киргунга қадар, яъни 2011 йил 15 сентябргача доимий прописка қилинган шахсларнинг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига Рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ва болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Вояга етмаган шахснинг хусусий мулки бўлган уй-жой майдонига унинг қариндошларини доимий прописка қилиш ота-онасининг ёки васийнинг (ҳомийнинг) розилиги асосида ҳал этилади.

9. Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинади.

Тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасалардаги етим болалар, ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар, шунингдек, қариялар уйларидаги шахслар кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан берилган турар жойга Рўйхатнинг 3-банди бўйича доимий прописка қилинади.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг васийси (ҳомийси) бўлган фуқаро МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқаронинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

Васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида истиқомат қиладиган фуқаролар билан никоҳдан ўтган ҳолларда, ушбу фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ ҳал этилади.

10. Рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри (хотини) ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар – ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки ота-онасини ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри (хотини) ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингилларнинг охириги яшаш жойидан оилавий аҳволи тўғрисида ФХДЁ органининг маълумотномаси;

васийликни (ҳомийликни) тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

тиббий меҳнат эксперт комиссияси маълумотномаси (меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун).

Фуқаролар ёлғон, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шу жумладан оиласи (эри (хотини), ота-онаси, шунингдек, фарзандлари) йўқлиги тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этган тақдирда, доимий пропискаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилади ҳамда бу ҳақда мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ аризага тегишли қайд киритилади.

Мазкур банднинг саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларида кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади.

11. Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса, доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Рўйхатнинг 5-банди асосида доимий прописка қилинадиган фуқароларнинг олдинги никоҳидан ёки никоҳсиз туғилган фарзандлари (ўз оиласига эга бўлмаган) Рўйхатнинг 2-банди бўйича доимий прописка қилинади.

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинганидан сўнг бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда, эр (хотин) Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида олинган доимий пропискани йўқотади.

Никоҳи хорижий давлатда қайд этилган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг консуллик легаллаштириш қонун ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилган ёки Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) талабларига мувофиқ апостиль белгиси қўйилган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этади.

“Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияга (1993 йил 22 январь, Минск) ҳамда “Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатларда никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан ушбу давлатлар қонун ҳужжатлари талаблари асосида тасдиқланган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган

давлатлар ҳудудида никоҳи қайд этилган фуқаролар томонидан тақдим этиладиган никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага консуллик қонунлаштирилиши ёки апостиль белгисини қўйиш талаб этилмайди.

12. Рўйхатнинг 6-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

13. Рўйхатнинг 7-бандига мувофиқ Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар – улар Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар Тошкент вилояти МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

14. Рўйхатнинг 8-бандига мувофиқ илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар – ўқишни, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганда, доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

озодликдан маҳрум этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисида маълумотнома;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

ишга, узоқ муддатли хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхалари, диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади), шунингдек, ўқишни кўчирганда ёки ўқишдан четлаштирилганда, бу ҳақда ўқув муассасасининг маълумотномаси;

Рўйхатнинг 8-бандига кирадиган фуқаролар Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган ҳолда, турар жой сотиб олиш ҳуқуқига эга. Уларнинг мурожаати асосида МваФРБ томонидан почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали тегишли давлат нотариал идорасига мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги доимий прописка қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотнома юборилади.

Бу ҳақда мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда ариза берувчига маълум қилинади. Рўйхатнинг 8-бандига кирадиган фуқаролар турар жой сотиб олган тақдирда, доимий пропискада туриш учун МваФРБга мазкур банднинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади, бундан уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисида аризаси (розилиги) мустасно.

15. Рўйхатнинг 9-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган

фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаментлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери (улар бўлмаганда – уларнинг ўринбосарлари), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари ёки Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан имзоланган Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома.

16. Рўйхатнинг 10-бандига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхалари.

17. Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ давлат ҳокимияти органларига, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка килинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган фуқаролар МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

давлат ҳокимияти органи, давлат бошқаруви органи, хўжалик бирлашмаси, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда ишга таклиф этилаётган фуқаронинг (юқори малакали мутахассис ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) илтимосномаси.

Ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ёки адлия органларига ишга қабул қилинган ёки ўтказилган тақдирда, ишга қабул қилинаётган шахсни (ходимни) доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома мазкур

органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан ҳам имзоланиши мумкин.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари томонидан ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушган вақтдан бошлаб бир ой муддат ичида пропискада туриши лозим бўлган ходим томонидан мурожаат қилинмаган тақдирда, илтимоснома тегишлилиги бўйича қайтариб юборилади.

18. Рўйхатнинг 12-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ–694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) доимий прописка қилинади.

Юқорида кўрсатилган фуқаролар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ–694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикеси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган турар жой олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

19. Мазкур Низомнинг 12-банди ўнинчи хатбошида (диплом нусхасидан ташқари), 13-банди тўққизинчи хатбошида, 14-банди саккизинчи хатбошида ва 15-бандининг тўққизинчи хатбошида назарда тутилган ҳужжатлар тегишли орган ёки ташкилотларнинг кадрлар хизмати томонидан почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали фуқаронинг вақтинча (ёки режалаштирилаётган) яшаш жойи бўйича МваФРБга юборилади. Ҳужжатларни ариза берувчининг ўзидан ёки бошқа шахслардан қабул қилиб олиш тақиқланади.

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома, ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар, улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади.

20. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли уй-жой майдонига прописка қилиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади.

Фуқаро “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияга (Минск, 1993 йил 22 январь) ҳамда “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ апостиль белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

21. Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин уч иш кун ичида мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади, текширув натижаларига кўра, МваФРБ раҳбари ёки унинг ўринбосари ўз резолюциясида ариза берувчини Рўйхатнинг қайси бандига асосан доимий пропискага қўйиш зарурлигини ёки рад жавоби бериш сабабини кўрсатади. Фуқаро Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда, унинг паспортига штамп қўйиш ва гербли муҳр билан тасдиқлаш орқали доимий прописка расмийлаштирилади.

22. Прописка штампи санаси кўрсатилган ҳолда, бир вақтнинг ўзида уй дафтарида ёки хонадон карточкасига ҳамда фуқаронинг аризасига қўйилади ва пропискани расмийлаштирган ходим томонидан имзоланади.

Васийлик (ҳомийлик) белгиланган фуқароларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратурасига васийлик (ҳомийлик) белгилаш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлигини ўрганиш учун сўровнома юборилади.

Доимий пропискани бўлган фуқароларнинг паспортига, шунингдек, Рўйхатнинг 1, 4, 6, 7 ва 8-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар паспортига мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

Рўйхатнинг 2, 3, 5, 9–12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар учун уларнинг паспортларига ва бошқа ҳужжатларига мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

Паспорт олинганда, алмаштирилганда ёки Рўйхатга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаро қайта прописка қилинганда, мазкур Низомга 5 ёки 6-иловаларга мувофиқ тегишли штамп қўйилади.

Доимий прописка қилиш мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

23. Бошқа ҳудудлардан келган ҳамда бир манзилдан иккинчи манзилга кўчиб утаётган вояга етмаганларни доимий прописка қилиш улар ота-оналарининг, васий(ҳомий)ларининг кетиш манзил варақаларининг нусхаси асосида, ота-оналарисиз келган ҳолларда эса доимий прописка қилиш аввалги яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан туғилганлик ҳақида гувоҳнома асосида берилган кетиш манзил варақаси асосида амалга оширилади.

Вояга етмаганлар қайд қилинмаган ёки доимий прописка қилинмаган ҳолларда, аввалги яшаш жойи бўйича МваФРБнинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси асосида прописка қилинади.

24. Рўйхатнинг 9–12-бандлари бўйича доимий прописка қилинган фуқароларнинг улар билан бир вақтда доимий пропискани расмийлаштирмаган оила аъзоларини (эри, хотини, шунингдек, ўз оиласи бўлмаган фарзандларини) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш, турар жой майдони мулкдорининг (мулкдорларининг) розилиги билан тегишли равишда Рўйхатнинг 9–12-бандлари бўйича амалга оширилади.

25. Рўйхатнинг 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар доимий прописка қилинган (лавозимида турган) кундан бошлаб уч йил ўтгандан кейин турар жой сотиб олган тақдирда, улар ушбу турар жойга Рўйхатнинг 1-банди бўйича доимий прописка қилинадилар. Улар билан бирга Рўйхатнинг 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар эса Рўйхатнинг тегишли 2 ва 5-бандларига мувофиқ доимий пропискालари ўзгартириб берилади.

26. Турар жой мулкдори ўз оила аъзоларини ва бошқа шахсларни пропискадан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари, уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) розилиги асосида уй-жой майдонининг қанчалигидан қатъи назар, доимий прописка қилиш ҳуқуқига эгадирлар:

эр-хотин – бир-бирининг прописка қилинган уй-жой майдонига;

балоғатга етмаган ва васийликдаги болалар – ота-оналари ва васийларининг прописка қилинган уй-жой майдонига;

ўз оилаларига эга бўлмаган ёки балоғатга етмаган болалари бўлган, аммо никоҳдан ўтмаган балоғатга етган фарзандлар – ота-оналарининг прописка қилинган уй-жой майдонига;

ота-оналар – фарзандларининг прописка қилинган уй-жой майдонига;

балоғатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар, акаси, укаси, опаси, синглисининг прописка қилинган уй-жой майдонига;

илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар – олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар – олдинги истиқомат жойига, ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳукм қилингунга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;

муддатли хизмат тугагандан сўнг Куролли Кучлар сафидан бўшатишган ҳарбий хизматчилар – олдинги истиқомат жойига, ота-онаси ёки бошқа қариндошларининг уй-жой майдонига.

3-боб. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пропискадан чиқариш ва пропискадан ўтганликни бекор қилиш тартиби

27. Фуқаро пропискадан чиқиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

паспорт ёки тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

мудофаа ишлари бўлимидан ҳисобдан чиқарилганлиги ҳақида белги бўлган ҳисоб-ҳарбий ҳужжатлар;

уй дафтари ёки қайд этиш карточкаси ва квартиралар бўйича карточка (ушбу Низомга 9–11-иловалар).

28. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни пропискадан чиқариш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

29. Вафот этганлар ўлим қайд этилганидан кейин пропискадан чиқарилиши лозим.

30. Тақдим этилган ҳужжатларда ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган маълумотлар, шунингдек, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун асос бўлган ҳужжатлар қалбакилаштирилганлиги аниқланган тақдирда, доимий прописка МваФРБ томонидан бекор қилиниб, ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар суриштирув ёки дастлабки тергов органига юборилади.

31. Пропискадан ўтиш ёки пропискадан чиқарилганлик суд қарорига кўра, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

32. Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарларининг илтимосномаси асосида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида пропискага эга бўлган фуқаро ишдан озод қилинган, бошқа ишга ўтган ёки пенсияга чиққан тақдирда, қарор қабул қилингандан кейин нкки кун муддатда фуқаронинг охириги донмий пропискадан ўтган жойдаги МваФРБга хабар берилади.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари билдиришномаси асосида МваФРБ, агар ушбу фуқарода доимий прописка учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, фуқарони белгиланган тартибда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан илгариги яшаш жойига ёки фуқаронинг аризасига кўра бошқа ҳудудга пропискадан чиқаради. Фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан пропискадан чиқишдан бош тортган тақдирда, доимий прописка мазкур Низомга 12-иловага мувофиқ ички ишлар органлари бошлиғи томонидан тасдиқланган хулоса асосида бекор қилинади.

Орган ва ташкилотлар раҳбарлари илтимосномаси асосида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган шахс, ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган бошқа орган ва ташкилотларга ишга ўтган тақдирда, унинг пропискиси бекор қилинмайди.

Бунинг учун фуқаро бир ой муддат ичида бошқа орган ва ташкилотга ўтганлиги ҳақида иш жойидан берилган маълумотни МваФРБга тақдим этиши лозим.

33. Пропискадан чиқарилганда ёки пропискадан ўтганлик бекор қилинганда, МваФРБ инспектори уч кун муддат ичида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари манзил-маълумотлар бюросига ушбу Низомга 13-иловага мувофиқ кетиш манзил варақаларини юборади.

Доимий пропискадан чиқариш мазкур Низомга 14-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

34. Доимий прописка қилинганда ёки пропискадан чиқарилганда туман (шаҳар) ички ишлар органлари МваФРБ ойда бир марта ушбу Низомга 13 ва 15-иловаларга мувофиқ кетиш ва келиш манзил варақаларни Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари манзил-маълумотлар бюроларига юбориши шарт.

Фуқаро бошқа ҳудуддан прописка қилинганда, шунингдек, бошқа ҳудудга пропискадан чиқарилганда, МваФРБ томонидан кетиш ва келиш манзил варақалари билан бир вақтда бир нусхада статистика ҳисоби талони тайёрланади ҳамда камида ойда бир марта ҳудудий статистика органларига юборилади.

35. Прописка қилиш ва пропискадан чиқариш учун асос бўлган ҳужжатлар номенклатура бўйича йиғма жилдларга тикилади. Прописка қилиш ва пропискадан чиқариш тўғрисидаги аризаларга тегишли штамп,

сана ва прописка қилиш ва пропискадан чиқаришни амалга оширган ходимнинг имзоси қўйилади. Прописка қилиш ва пропискадан чиқариш учун асос бўлган ҳужжатлар МваФРБда ўн йил давомида сақланади.

36. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларига ёки хорижга чиқиб кетган фуқаролар турли сабабларга қўра кетган жойлари бўйича прописка қилинмаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги жўнаб кетиш варағи билан қайтиб келган тақдирда, Рўйхатнинг тегишли бандларига мувофиқ умумий асосларда, доимий прописка қилинган шахслар эса уларни доимий прописка қилиш учун асослари бўлган тақдирда, улар уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) билан доимий прописка қилинади.

37. Фуқароларнинг Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисидаги аризалари мазкур Низомга 16-иловага мувофиқ шаклдаги махсус журналда қайд қилинади ҳамда асос бўлган ҳужжатлар билан алоҳида йиғма жилдларга тикилади.

38. Доимий прописка қилиш рад этилган тақдирда, фуқароларга жавоб хати берилади ва аризалари ички ишлар органлари котибиятидан рўйхатдан ўказилади ва фуқароларнинг шикоят ва аризалари йиғма жилдига тикилади.

4-боб. Фуқароларни Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби

39. Фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш (кейинги ўринларда ҳисобга олиш деб аталади) фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан ўн кундан бир йилгача муддатга амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш учун асос ҳисобланмайди. Доимий пропискадан ўтмаганлик турган жойи бўйича ҳисобга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди.

40. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан улар келганларидан кейин уларнинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан улар келган заҳоти бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида “E-mehmon” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш орқали амалга оширилади.

41. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобда туриш учун фуқаро келган кунидан бошлаб ўн кун муддатда хоҳишига кўра, ўзига қулай манзилдаги МваФРБга ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилади.

Бундан ташқари, фуқаро ЯИДХП орқали мустақил равишда ҳисобга туриши мумкин.

42. Ҳисобда туриш учун Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат килинган ҳолларда фуқаро ва турар жой эгаси номидан давлат хизматлари маркази ходими томонидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Низомга 17-иловага мувофиқ шаклдаги сўровнома электрон тарзда тўлдирилади.

Сўровнома қуйидаги ҳужжатларга асосан тўлдирилади:

уй-жой мулкдори ва фуқаронинг паспорти;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун) ва паспорт нусхаси.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатилганда, ваколатли орган томонидан лозим бўлган маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинади.

43. Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) номидан нотариал тасдиқланган ишончнома орқали ҳаракатланаётган шахслар фуқарони турар жойга ҳисобга қўйишга розилик бериш учун МваФРБга мурожаат қиладилар.

44. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг уй-жой мулкдори (мулкдорлари) уни ўзларининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайдилар.

Электрон рақамли имзоси бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

45. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши (кадастр ҳужжатлари, паспорт маълумотлари, нотариал тасдиқланган розилик хати), шунингдек, давлат хизмати кўрсатиш учун давлат божини тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Бошқа ҳар қандай ҳолат давлат хизматни кўрсатишни рад этишга асос бўлмайди.

46. Фуқаро давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

47. Давлат хизматлари марказларида сўровнома тўлдирилгач, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (кейинги ўринларда

ваколатли орган деб аталади) электрон тизим орқали юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

48. Сўровнома ваколатли органнинг электрон тизими ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига келиб тушган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида мавжуд маълумотлар базасидан уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда текширилади.

Текшириш натижасига кўра, ушбу Низомга 18-иловага мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойида ҳисобга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган хужжатга BARE-CODE билан химояланган қайд варағини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи деб аталади) тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон тарзда юборилади.

49. Қўшимча текшириш талаб этилган ҳолларда электрон тизим орқали тегишли маълумотнома Давлат хизматлари марказига юборилади.

Бунда қўшимча текшириш муддати уч кундан ошмаслиги лозим.

50. Давлат хизматлари маркази ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни фуқаронинг электрон манзилига юборади ва бу ҳақда уни ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Фуқаронинг сўровига кўра, унга ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи қоғоз шаклда мурожаат қилинган Давлат хизматлари марказининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

51. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат химояланган идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

52. Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали давлат хизмати мазкур Низомга 19-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

53. Ҳисобда туриш учун МваФРБга мурожаат қилган фуқаролар куйидаги хужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 20-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

уй-жой мулкдори ва фуқаронинг паспорти;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

уй-жой кадастр хужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма).

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, кишлоқ ҳўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса, ушбу банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошидаги ҳужжатлар талаб этилмайди.

Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) томонидан турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) билан бирга ҳисобга туриши лозим бўлган фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим қилинганда, ушбу фуқароларнинг шахсан ўзлари келиши талаб этилмайди.

54. Мазкур Низомнинг 50-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин МваФРБ инспектори аризани мазкур Низомга 21-иловага мувофиқ шаклдаги Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобида рўйхатдан ўтказди, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, шу куннинг ўзида ариза берувчига ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағини беради.

Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

МваФРБ инспектори ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта ҳисобга олиш тартибни ва ариза топшириш муддатини тушунтиради.

Миграция хизматлари орқали турган жойи бўйича ҳисобга олиш мазкур Низомга 22-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

55. 16 ёшга тўлмаган шахсни ҳисобга олишни расмийлаштиришда унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик ижарага олинган уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс зиммасига юкланади.

56. Ариза берувчининг паспортига ва турар жойнинг уй дафтарида (прописка карточкасида) ҳисобга олиш тўғрисида белги қўйилмайди.

Фуқаро паспорти алмаштирилганлиги ҳақида мурожаат қилса, бу ҳақда қайд варағига қўшимча ёзув киритилади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

57. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш жойида яшаши керак.

58. Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган фуқаролар турар жойи (уй-жой майдони) бўйича ҳисобга олинади. Бунда таълим муассасаси томонидан фуқаронинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха (16 ёшга тўлмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 35x45 мм. ўлчамли иккита фотосурат) ва таълим муассасаси томонидан турар жой билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома ҳудудий МваФРБга тақдим этилади. Агар фуқаро олий таълим муассасасига қабул қилинган бўлса, уни

ҳисобга олиш учун ушбу Низомнинг 5-бандида белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

59. Фуқаро таълим муассасасининг турар жойидан бошқа турар жойда яшаш истагини билдирганда, мазкур Низомнинг 39 ва 50-бандларида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида фуқаро танлаган жойидаги МваФРБ томонидан ҳисобга олинади.

60. Ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш ушбу Низомнинг 39 ва 50-бандларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг 38 ва 50-бандларида назарда тутилган ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги ҳисобга олишни расмийлаштиришни рад этиш учун асос бўлади.

Фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобда туриши рад этилган тақдирда, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими инспектори томонидан хулоса тузилади. Ушбу хулоса миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади, унда рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳисобда туришни расмийлаштиришнинг рад этилиши юзасидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

61. Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи йўқолган ёки бузилган тақдирда, фуқаро тегишли МваФРБга ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи йўқолиши ёки бузилиши ҳолатларини кўрсатиб, ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштириш ҳақидаги аризани тақдим этади.

МваФРБ инспектори аризада кўрсатилган жойда ушбу фуқаронинг ҳисобга олиниши тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Улар тасдиқланган тақдирда, ариза берувчига ўша куннинг ўзида ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштиради.

62. Ҳисобга олиш бекор қилиш таълим муассасаси раҳбарияти ва иш берувчининг билдиришномаси, уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ёки фуқаронинг ташаббуси билан амалга оширилади.

63. МваФРБ фуқаро ва уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ўртасида тузилган ижара шартномаси бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг фуқарони ҳисобга олишни бекор қилади.

64. Ўқиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилган, фуқаро академик таътил олган ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлатилган тақдирда, ушбу муассасалар раҳбарияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу ҳақда фуқаро турар жойи бўйича ҳисобга қўйилган ҳудуддаги МваФРБни хабардор қилиши шарт.

Иш берувчи мавсумий ишчилар билан шартнома бекор қилинган кунда бу ҳақда фуқаро турар жойи бўйича ҳисобга қўйилган ҳудуддаги МваФРБни хабардор қилиши шарт.

65. Ички ишлар органи таянч пунктининг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширадilar.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

66. Тошкент шаҳрида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни, шунингдек, Тошкент шаҳридаги турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш, кўчмас мулкдан (кўчмас мулкнинг бир қисмидан) воз кечиш ва кўчмас мулкни ўзгага беришнинг бошқа усулларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон:

Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса;

Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органининг доимий пропискиси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

67. Тошкент вилоятида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни, шунингдек, Тошкент вилоятидаги турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш, кўчмас мулкдан (кўчмас мулкнинг бир қисмидан) воз кечиш ва кўчмас мулкни ўзгага беришнинг бошқа усулларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон:

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлса;

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органининг доимий пропискиси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

68. Суд қарорларини ижро этиш тартибида турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мол-мулкни кимошди савдолари орқали сотишга ёхуд уни давлат ижрочисининг натурадаги сотилмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги таклифни бўйича қарзни ундирувчига – гаровни сақловчига беришга, сотиб олувчи томон тегишли равишда Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган жисмоний шахс бўлса, йўл қўйилади.

69. Кўчмас мол-мулкнинг олди-сотди битимларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган жисмоний шахслар томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулкни

ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали амалга оширган ҳолда сотиб олганда ҳам амалга оширилади.

Ушбу Низом мақсадлари учун янги қурилган кўчмас мол-мулк деганда, мулк-ҳуқуқи (туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони ва иншоотни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори ёки қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси асосида) вужудга келган пайтдан эътиборан уч йил ўтмаган кўп қаватли турар жой бинолари, қурилиш дастурлари доирасида намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уй-жойлар (жисмоний шахслар томонидан қурилган якка тартибдаги уй-жой мақомидаги уйлар бундан мустасно) тушунилади.

70. Ички ишлар органларидан доимий прописка борлиги тўғрисидаги маълумотномани олиш учун фуқаро охириги яшаш жойидаги туман (шаҳар) МваФРБга ёзма ариза билан мурожаат қилади. Туман (шаҳар) МваФРБ уч кунлик муддатда тегишли маълумотномани беради.

71. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади.

72. Органлар ва ташкилотлар раҳбарлари доимий пропискани расмийлаштириш масаласи бўйича ички ишлар органига юбориладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва нишончилиги учун жавоб берадилар.

73. Фуқаролардан мазкур Низомда кўрсатилгандан ташқари бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, “Давергеодезкадастр” қўмитасининг базасида мавжуд бўлмаган ҳамда кадастр рақами бўлмаган турар жойларга доимий прописка қилиш, доимий пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш қатъиян тақиқланади.

74. Нотурар жой биноларга фуқароларни доимий прописка қилиш ва ҳисобга олишни расмийлаштириш тақиқланади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар, истисно тариқасида, нотурар жой биноларга ҳисобга олиниши мумкин.

75. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

76. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида доимий пропискага эга бўлиш ва турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун ушбу зонага киришга яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан чегара зонасига киришдан олдин белгиланган тартибда олинган рухсатнома ҳам тақдим этилади.

77. Фуқарони прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва ҳисобга олиш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

78. МваФРБ томонидан доимий прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга туриш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг нусхалари асли билан бир хиллиги текширилиб, қабул қилинади ва уларнинг нусхалари муҳр билан тасдиқланади.

79. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларида улар ҳарбий рўйхатга олинганлиги ёки ундан чиқарилганлиги тўғрисида мудофаа ишлари органларининг белгиси бўлган тақдирдагина, уларни доимий прописка қилиш ва пропискадан чиқариш амалга оширилади.

80. Бир нечта уйга ёки квартирага эга бўлган мулкдор улардан фақат биттасига доимий пропискадан ўтиши мумкин.

81. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, прописадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

ТШИББ МваФРБ бошлиғига

**Доимий прописка қилиш тўғрисида
АРИЗА**

Фамилияси _____

Исми _____ Отасининг исми _____

Туғилган санаси _____ Туғилган жойи _____

Қаердан келди _____

(ҳудуд номи)

Келиш мақсади _____

(ўз уй-жойи, қариндошларга, васий (ҳомий)га, оилалар бирлашуви, ишга ва б.)

Қуйидаги манзил бўйича пропискага қўйишни сўрайман _____ туман (шаҳар),
_____ кўча _____ (қавртал) _____ уй, _____ корпус _____ хонадон.

Турар жой _____ томонидан берилди.

(уй-жой мулкдори Ф.И.О. ёки уй-жой берган ташкилот номи)

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги оила аъзоларимни пропискага қўйишни
сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____ 20__ йил “__” _____

Изоҳ.

1. Ариза берувчи учун ишончли вакиллар, вояга етмаганлар учун эса ота-оналар, васий (ҳомий)лар вакил ҳисобланади.

2. Фуқаролар рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ доимий прописка қилинганда, аризада ёлгон, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шу жумладан, оиласи (эри (хотини), ота-онаси, шунингдек, фарзандлари) йўқлиги тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этган тақдирда, доимий пропискаси бекор қилиниши тўғрисида қайд киритилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Чиқиш рақами _____-сон
20 ____ йил “ ____ ” _____

_____ (туман (шаҳар) номи)

_____ (давлат нотариал идораси номи)

МА Ё Л У М О Т Н О М А

Фуқаро _____
(Ф.И.О., туғилган санаси)

“Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхатнинг 8-бандига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган фуқаролар тоифасига киради.

Турар жойга эга бўлгандан кейин Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинади.

Имзо

М.Ў. _____
(_____ ТШИИББ МваФРБ бошлиғи Ф.И.О., унвони)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискadan чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

Чиқиш рақами _____-сон
20 ____ йил “ ____ ” _____

М А Ё Л У М О Т Н О М А

Фуқаро _____
(Ф.И.О., туғилган санаси)

“Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхатнинг 8-бандига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган фуқаролар тоифасига киради.

Турар жойга эга бўлгандан кейин Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинади.

Имзо

М.Ў. _____
(_____ ТШИИБ МваФРБ бошлиғи Ф.И.О., унвони)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

ИЛТИМОСНОМА

Фуқаро _____

Ўзбекистон Республикаси _____ га
(давлат органи ёки ташкилоти номи)

_____ лавозимига ишга қабул қилинган

(тайипланган)лиги сабабли “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ ушбу фуқарони _____ да
(Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти)
доимий прописка қилинишини сўраймиз.

Фуқаро _____
ишончлилигига кафолат берамиз.

Илова: _____ варақда.

Раҳбар _____
(Ф.И.О.)

Имзо

М.Ў.

20__ йил “__” _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-илова

**Доимий пропискаси бўлган фуқароларнинг паспортига, шунингдек,
“Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим
бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг
рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган
Рўйхатнинг 1, 4, 6, 7 ва 8-бадларига тўғри келадиган фуқаролар учун
доимий прописка штампининг
НАМУНАСИ**

Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumani IIOFMB	
DOIMIY PROPISKA QILINDI	
_____ ko'cha (daha) si _____ uy _____ xonadon	
“ _____ ” yil _____	
M.J. (imzo)	

Штамп ўлчами 60X30 мм

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-илова

**“Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим
бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг
рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган
Рўйхатнинг 2, 3, 5 ва 9–12-бандларига тўғри келадиган фуқаролар учун
доимий прописка штампининг
НАМУНАСИ**

Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumani HOFMB	
Ro'yxatning 2, 3, 5, 9–12-bandlariga asosan	
DOIMIY PROPISKA QILINDI	
_____ ko'cha (daha) si _____ uy _____ xonadon	
“ _____ ” yil _____	
M.J. (imzo)	

Штамп ўлчами 60Х30 мм

Фуқарони доимий прописка қилиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Доимий прописка қилиш учун туман (шаҳар) Ички ишлар бўлимлари Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ўзи келиб мурожаат қилиш. 2. Доимий прописка қилиш учун конун ҳужжатлари билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш. 3. Хизматни кўрсатиш учун давлат боғини тўлаш.	Мурожаат қилинганда
2-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Тақдим этилган ҳужжатлар асосида сўровнома шаклини тўлдириб, автоматлаштирилган ахборот тизимида юбориш.	Ариза тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа мобайнида
3-босқич	1. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси 2. “Давергеодезкадастр” кўмитаси	Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текшириш.	10 дақиқа давомида
4-босқич	Ариза берувчи	Доимий прописка қилинаётган ҳудуддаги Мудофаа ишлари бўйича бўлимга ўзи келиб мурожаат қилиш.	1 иш куни давомида

5-босқич	Мудофаа ишлари бўйича бўлим	Ҳарбий ҳисобга олинганлиги ҳақидаги тегишли муҳрни қўйиш.	10 дақиқа давомида
6-босқич	Ариза берувчи	Ҳарбий ҳисобга олингандан сўнг доимий прописка қилинаётган ҳудуддаги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига прописка қилинганлик муҳрини қўйдириш учун мурожаат қилиш.	5 кун ичида
7-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Доимий прописка расмийлаштирилиб, бу ҳақдаги тегишли муҳрни қўйиш.	5 дақиқа давомида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-илова

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

ТШИИББ МваФРБ бошлиғига

**Доимий яшаш манзилидан пропискадан чиқариш тўғрисида
АРИЗА**

Фамилияси _____

Исми _____ Отасининг исми _____

Туғилган санаси _____ Туғилган жойи _____

Қаердан келди _____

(худуд номи)

Кетишдан мақсади _____

(доимий яшашга, ўқишга, ишлашга ва ҳақозо)

Доимий пропискада турмоқчи бўлган манзили _____

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги оила аъзоларимни пропискадан
чиқаришингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____

20__ йил “__” _____

Изоҳ: ариза берувчи учун ишончли вакиллар, вояга етмаганлар учун эси ота-оналар,
васий (ҳомий)лар вакил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
9-илова

кўчаси

уйда яшовчи фуқароларни прописка қилиш учун

УЙ ДАФТАРИ

ички ишлар органи лўми

1-бет

I бўлим. Дафтарни юритиш ва прописка қилиш қилиш бўйича масъул шахслар
ҳақида маълумотлар

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Қачондан бошлаб	Эслатма

2-бет

II бўлим. Прописка қилиш ва дафтарларни юритиш ҳолати бўйича мансабдор
шахсларнинг қайдлари

Т/р	Текширувни ким ўтказди		Текширув натижалари ҳақида қайдлар
	мансаби	имзо	

III бўлим. Прописка

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми, тузилган жойи (республика, вилоят, туман, шаҳар, кишлоқ), онлавий аҳволи (бунда у билан бирга келган 16 ёшгача бўлган болалар ҳам кўрсатилади)	Туғилган санаси	Қачон ва қасрдан (республика, вилоят, туман, шаҳар, кишлоқ) келган, агар аҳоли яшаш пункти доирасида (бир кўчадан бошқасига) кўчиб ўтган бўлса, кўча номи, уй, хонадон рақамлари кўрсатилади	Келишдан максати ва мулкши	Миялати ва фуқаролиги	Паспорт серияси ва рақами, ким томонидан ва қачон берилган	Ҳарбий хизматта муносабат, ким томонидан ва қачон ҳисобга олинган	Қаерда ва қайси вазифада ишлайди. Агар ишламаётган бўлса, нафақада, уқувчи ва хоказо кўрсатишсин	Хонадон рақами	Ички ишлар органининг прописка қилинганлиги ҳақидаги белгиси (киритилган маълумотларни таққослаш) Сана ва имзо
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
10-илова

ҚАЙД ЭТИШ КАРТОЧКАСИ

1. Фамилияси _____
2. Исми _____
3. Отасининг исми _____
4. Миллати _____

5. Туғилган санаси 20 ____ йил “ ____ ” _____	6. Туғилган жойи _____ вилояти (республикаси) _____ тумани _____ шаҳар (қишлоқ)	
7. Қачон ва қаердан келди	_____ вилояти (республикаси) _____ тумани _____ шаҳар (қишлоқ)	_____ кўчаси _____ уй _____ корпус _____ кв. 20 ____ йил “ ____ ” _____
8. Паспорт серияси	Рақами	Ким томонидан ва қачон берилган

9. Яшаш жойи манзили _____ шаҳар (туман)
_____ кўчаси _____ уй _____ корпус _____ кв.

10. Қаерда ва қайси вазифада ишлайди _____

11. 16 ёшгача бўлган болалар
(фамилияси, _____
исми, отасининг исми _____
туғилган йили) _____

12. Ҳарбий хизматга
муносабати (ким _____
томонидан ва қачон _____
ҳисобга олинган ва _____
ҳисобдан чиқарилган) _____

13. Прописка тўғрисида белги

14. Қаерга (вилоят, республика, туман, шаҳар, қишлоқ) жўнаб кетди
ва қайддан чиққанлик ҳақида белги.

кўча _____	_____
уй _____ бино _____ кв. _____	вилоят (республика) _____
телефон _____	туман _____
тузар жой майдони _____ кв. м	шаҳар _____
уй эгаси _____ (ижарачи) (Ф.И.О.)	ХУМШ _____

[illegible]

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
12-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ ТШИББ бошлиғи
_____ унвони, Ф.И.О.

ХУЛОСА

Мен _____
(МваФРБ ходими Ф.И.О., лавозими, унвони)

“Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган
шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхатнинг
_____ -бандига асосан қуйидаги манзил бўйича доимий прописка қилинган

_____ (яшаш манзили)
фуқаро _____ га нисбатан
(Ф.И.О.)
материалларни кўриб чиқиб _____,
(пропискани бекор қилиш тўғрисида ташкилот хатининг рақами, санаси)

ЛОЗИМ ТОПДИМ

_____ бўйича прописка қилинган,
(яшаш манзили)
муқаддам _____ да ишлаган
(ташкилот номи)

фуқаро _____ нинг
(Ф.И.О.)
доимий пропискани бекор қилинишини _____
(сабаби, меҳнат шартномаси бекор қилиниши кўрсатилади)

кетиди манзил варақаси Тошкент шаҳар ИИББ ММБга, бир вақтнинг ўзида илгари яшаган
жойи бўйича _____ ТШИББ МваФРБга
билдиришнома юборилишини.

20__ йил _____
(имзо) (ҳодимнинг Ф.И.О., лавозими, унвони)

20__ йил _____
(имзо) (МваФРБ бошлиғининг Ф.И.О., унвони)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискadan чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
13-илова

КЕТИШ МАНЗИЛ ВАРАҚАСИ

1. Фамилияси _____
2. Исм _____
3. Отасининг исми _____
4. Тутилган санаси: ____ йил “ ____ ”
5. Тутилган жойи | вилоят (республика, шаҳар) _____
| туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____
6. Жинси _____ 7. Миллати _____
эркак, аёл
8. Қачон, каердан келди | вилоят (республика, шаҳар) _____
| туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____

9. Прописка да турган манзили | вилоят (республика, шаҳар) _____
| туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____
| _____ кўча, ____ уй, _____ хонадон

8. Қаерга кетди | прописка қилинган МВФРБ
| вилоят (республика, шаҳар) _____
| туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____

Орқа томони

10. Кетишдан мақсад _____

Ўқинишга, ишга ёки доимий яшаш мақсадида ва ҳоказо

11. Қаерда ва қайси лавозимда ишлайди _____

агар ишламаётган бўлса: нафақада, ўқувчи, биронининг

қарамоғида ёки қанлиги кўрсатилсин

12. Паспорт серияси _____ рақами _____

қачон, қайси ички ишлар органи томонидан берилган, амал қилиш муддати

20 ____ йил “ ____ ”

13. Фуқаро билан бирга 16 ёшга тўлмаган кўйидаги фарзандлари ҳам келган:

Ф.И.О.	Жинси	Тутилган санаси

Эслатма: Фарзандлар ота-оналаридан факат биттасининг кетиш варақасига ёзилади.

14. Варақа 20 ____ йил “ ____ ” _____ да тўлдирилди.

Ҳисобга олган масъул ходим Ф.И.О. _____

15. Маълумотларни текширдим ва пропискadan чиқишни расмийлаштирдим:

20 ____ йил “ ____ ” _____
(имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
14-илова

**Фуқарони доимий пропискадан чиқариш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Доимий пропискадан чиқиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлар (бошқармалари) Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ўзи келиб мурожаат қилиши. 2. Доимий прописка қилиш учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш. 3. Хизматни кўрсатиш учун давлат божини тўлаш.	Мурожаат қилинганда
2-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Тақдим этилган ҳужжатлар асосида сўровнома шаклини тўлдириб, автоматлаштирилган ахборот тизимида юбориш.	Ариза тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа мобайнида
3-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси “Давергеодезкадастр” қўмитаси	Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текшириш.	Аниқ вақт режимда
4-босқич	Ариза берувчи	Доимий пропискадан чиқаётган ҳудуддаги Мудофаа ишлари бўйича бўлимга мурожаат қилиш.	1 иш куни давомида

5-босқич	Мудофаа ишлари бўйича бўлим	Ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлик ҳақидаги тегишли муҳрни қўйиш.	10 дақиқа давомида
6-босқич	Ариза берувчи	Ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлик ҳақидаги тегишли муҳр босилгандан сўнг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига пропискадан чиқарилганлик муҳрини қўйдириш учун мурожаат қилиш.	1 иш куни давомида
7-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Доимий пропискадан чиқарилганлик ҳақидаги тегишли муҳрни қўйиш.	5 дақиқа давомида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
15-илова

КЕЛИШ МАНЗИЛ ВАРАҚАСИ

1. Фамилияси _____
2. Иси _____
3. Отасининг исми _____
4. Туғилган санаси: _____ йил “_____” _____
5. Туғилган жойи | вилоят (республика, шаҳар) _____
| туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____
6. Жинси _____ 7. Миллати _____
| эркак, аёл
8. Қўйидаги | вилоят (республика, шаҳар) _____
манзилга | туман (шаҳар) _____
прописка | қишлоқ (овул, шаҳарча) _____
қилинади | маҳалла _____ кўча _____
| уй _____ бино _____ хонадон _____
9. Қачон, | 20 _____ йил “_____” _____
қайдан | вилоят (республика, шаҳар) _____
келди | туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____

Орқа томони

10. Келишдан мақсад ва муддати _____
_____ ишга, ўқиниш ёки доимий яшашга ва шу қабилар ва қанча муддатга
11. Қерда ва қайси лавозимда ишлайди _____
_____ агар ишламаётган бўлса, пенсиявер, ўқувчи, бировнинг қарамоғида эканлиги кўрсатилсин
12. Паспорт серияси _____ рақами _____
_____ қачон, қайси ички ишлар органи томонидан берилган, амал қилкиш муддати
20 _____ йил “_____” _____
13. Фуқаро билан бирга 16 ёшга тўлмаган қўйидаги
фарзандлари ҳам келган:

Ф.И.О.	Жинси	Туғилган санаси

Эълатма: Фарзандлар ота-оналаридан фақат биттасининг
келиш варақасига ёзилади.
14. Варақа 20 _____ йил “_____” _____ да тўлдирилди.
Прописка қилган масъул ходим Ф.И.О. _____
15. Маълумотларни текширдим ва пропискани расмийлаштирдим:
20 _____ йил “_____” _____
_____ Ф.И.О. (имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
16-илова

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризаларини рўйхатга олиш
ЖУРНАЛИ**

Т/р	“Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхат банди ва санаси	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Қаердан келди	Оила аъзолари сони	Илтимоснома берган орган ёки ташкилот номи	Қабул қилинган қарор ва Рўйхатнинг банди	Доимий прописка маъзили

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
17-илова

(сана)

(рақами)

Турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:

1. Фамилияси	
2. Исми	
3. Отасининг исми	
4. Туғилган жойи ва санаси	
5. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами)	
6. Доимий руйхатда турган манзили	
7. Вақтинча ҳисобга олинаётган манзили	
8. Келишдан мақсади ва муддати	
9. Қасрда ва қайси лавозимда ишлайди	
9. Телефон рақами	
10. Электрон почта манзили	

II. Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ёки уй-жой берган ташкилот ҳақида маълумот:

1. Ф.И.О.	
2. Доимий руйхатда турган манзили	
3. Кадастр рақами	
4. Уй-жой берган ташкилотнинг алоқа хати	

III. Бир вақтнинг ўзида қуйидаги вояга етмаган оила
аъзоларимни ҳисобга олишингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи
Ўғли		
Қизи		

Уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг
электрон рақамли имзоси

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
18-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси Миграция
ва фуқароликни расмийлаштириш
бош бошқармаси

Турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисида
ҚАЙД ВАРАҒИ



ЖСШИР _____

Рақам _____

Фуқаро _____

Туғилган вақти _____

Ҳужжат _____

Амал қилиш муддати _____

Берилган вақти _____

Серия № _____

Вақтинча яшаш манзили

Қўшимча маълумотлар

Кадастр № _____

Келишдан мақсад _____

Вилоят _____

Турган жойи бўйича ҳисобга олиш муддати
_____ йил «___» _____ гача.

Туман (шаҳар) _____

Қасрдан келди _____

Манзил _____

Уй № _____ хона № _____

Маълумот _____

Қайд варагини берган орган _____

Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини
тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки
туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда, унда
кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискadan чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
19-илова

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали турган жойи бўйича ҳисобга олиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш. 2. Давлат хизматлариши кўрсатиш учун давлат божиини тўлаш.	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	Сўровнома шаклини тўлдириб, ваколатли органга юбориш.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 1 соат мобайнида 2. Аниқ вақт режимида
3-босқич	Ваколатли орган	1. Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текшириш. 2. BARE-CODE билан ҳимояланган фуқарони турар жой бўйича ҳисобга қўйиш ҳақидаги қайд варағини расмийлаштириш ва Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) юбориш.	1 иш кuni мобайнида
4-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	Қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.	1. 10 дақиқа мобайнида 2. Аниқ вақт режимида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомига
20-илова

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

Туман (шаҳар) ИИБ МваФРБ бошлиғига

Турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисида
АРИЗА

Фамилияси _____ Исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган санаси _____ Туғилган жойи _____

Қаердан келди _____
(худуд номи)

Келиш мақсади _____
(ўқинишга, ишга ёки бошқа сабаб кўрсатилади)

Қуйидаги манзил бўйича ҳисобга олишингизни сўрайман: _____ туман
(шаҳар), _____ кўча _____ (квартал) _____ уй, _____ корпус _____ хонадон.

Турар жой _____ томонидан берилди.
(уй-жой мулкдорининг Ф.И.О. ёки уй-жой берган ташкилот номи)

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги оила аъзоларимни ҳисобга
олишингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Менга қайта ҳисобга олиш тартиби ва ариза бериш муддати тушунтирилди.

_____ серияли _____ - сонли кайд варағини олдим.

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____ 20__ йил “__” ____

Изоҳ. Ариза берувчи учун ишончли вакиллар, вояга етмаганлар учун эса ота-оналар,
васий (ҳомий)лар вакил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
21-илова

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси
_____ туман (шаҳар) ИИБ МваФРБ

Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олинishi юзасидан
ёзган аризаларини қайд этиш
КИТОБИ

Бошланди: 20 ____ йил “ ____ ” _____

Тамом бўлди: 20 ____ йил “ ____ ” _____

Чап томони

Т/р	Ариза берувчи ва у билан бирга келган оқла аъзоларининг Ф.И.О., туғилган санаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами	Ариза берувчининг доимий турар жойи	Ариза қайд этилган сана	Ариза берувчи ҳисобга олинган турар жой

Ўнг томони

Турар жой берган мулкдорнинг доимий яшаш манзили	Қайд варагининг рақами, берилган санаси ва муддати	Ҳисобга олинган шахснинг келиш варақаси манзил- маълумотнома бюросига куборилган сана	Ҳисобдан чиқарилган сана	Изоҳ

**Турган жойи бўйича ҳисобга олиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (бошқармалари) Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ёки бўлинмасига уй эгаси билан бирга мурожаат қилиш. 2. Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун конун ҳужжатлари билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш. 3. Хизматни кўрсатиш учун давлат божини тўлаш.	Мурожаат килинганда
2-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Тақдим этилган ҳужжатлар асосида сўровнома шаклини тўлдириб, автоматлаштирилган ахборот тизимига юбориш.	Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа мобайнида
3-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси	1. Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширилади. 2. BARE-CODE билан химояланган фуқаронинг турар жой бўйича ҳисобга қўйиш ҳақидаги қайд варағини расмийлаштириш ҳамда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юбориш.	10 дақиқа мобайнида
4-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Қайд варағи келиб тушгандан сўнг у расмийлаштирилиб, ариза тақдим этиш.	10 дақиқа мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига
2-илова

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини бериш ва доимий прописка қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқ туристик ва электрон виза билан, маълум муддатга Ўзбекистон Республикасига визасиз келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига татбиқ этилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий прописка қилиш тартиби алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

васийлик – ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли;

ҳомийлик – ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли;

янги қурилган кўчмас мулк – туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш

тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида мулк ҳуқуқи вужудга келган ҳамда қабул қилиб олинганига уч йилдан кўп бўлмаган мол-мулк;

яшаш гувоҳномаси – Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсат берилганлигини исботлайдиган фуқаролиги йўқ шахслар ёки хорижий фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

3. Яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек, бошқа давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий прописка қилиш ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари (кейинги ўринларда МваФРБ деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар прописка қилинган жойда яшашлари лозим.

4. Мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади)да назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга.

Рўйхатда назарда тутилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

5. Тошкент шаҳрида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни (кўчмас мулкнинг бир қисмини) гаровга (ипотекага) қўйиш, воз кечиш ва ўзгага беришнинг бошқа усуллари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс:

Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса;

Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Рўйхатнинг 2, 3, 6 ва 7-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланса ҳамда доимий пропискаси борлиги тўғрисида МваФРБ тизимининг маълумотномасини тақдим этса.

6. Тошкент вилоятида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни (кўчмас мулкнинг бир қисмини) гаровга (ипотекага) қўйиш, воз

кечиш ва ўзгага беришнинг бошқа усуллари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс:

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлса;

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Рўйхатнинг 2, 3, 6 ва 7-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланса ва МваФРБнинг доимий пропискиси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

7. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан келган ҳамда бу ҳудудларда доимий пропискадан ўтган, яшаш гувоҳномасини олган чет эл фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 3300 бараваридан кам бўлмаган кўчмас мулкни банк ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда сотиб олишлари мумкин.

Суд қарорларини ижро этиш тартибида турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мол-мулкни кимошди савдолари орқали сотишга ёхуд уни давлат ижрочисининг натурадаги сотилмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги таклифи бўйича қарзни ундирувчига – гаровни сакловчига бериш, сотиб олувчи томон тегишли равишда Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, йўл қўйилади.

8. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ушбу Низомга 1-иловасида кўрсатилган Рўйхатнинг 2, 3, 6, 7 ва 8-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага ўтган кундан бошлаб уч йил ўтгандан кейин турар жой сотиб олган тақдирда, улар ушбу турар жойга Рўйхатнинг 1-банди бўйича доимий прописка қилинади.

9. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий пропискага қўйганлик ва чиқарганлик учун МваФРБга томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

**2-боб. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа
давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги
бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун
рухсатнома олиш тартиби**

10. Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган чет эл

фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча пропискадан ўтган жойлари бўйича МваФРБга мурожаат қиладилар.

11. Қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган (Рўйхатнинг 1-банди) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшашга рухсат олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада ариза-анкета;

миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма) асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

35x45 мм. ўлчамли иккита фотосурат.

Ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик учун Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божлари ставкаларида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

8 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

92 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

12. Рўйхатнинг 1-банди асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка ва яшаш гувоҳномаси олишга рухсат олган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида ҳужжат топширишлари мумкин.

13. Қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари бўлган, яъни ота-она фарзандлари, фарзандлар ота-оналари, бобо ва бувилар неваралари, неваралар бобо ва бувилари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида (Рўйхатнинг 2-бандига мансуб бўлган) доимий яшашга рухсат олиш учун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МваФРБга ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

14. Эр (хотин) хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган (Рўйхатнинг 3-банди) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий

яшашга рухсат олиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

15. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида (Рўйхатнинг 4-банди) доимий яшашга рухсат олиш учун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МваФРБга ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Васийликдаги (ҳомийликдаги) шахслар бошқа давлатлардан келган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтган ҳолларда, ушбу чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.

16. Ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар – ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида (Рўйхатнинг 5-банди) доимий яшашга рухсат олиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагиларни тақдим этади:

туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

ота-оинасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки ота-оинасини ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори нусхаси.

17. Давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этиладиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 6-банди) доимий яшашга рухсат олиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

тегишли давлат ҳокимияти органларига, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг мазкур Низомга 3-иловасига мувофиқ почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали юбориладиган илтимосномаси.

Ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

18. “Фахрий фуқаро” мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари). (Рўйхатнинг 7-банди) доимий яшашга рухсат олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада ариза-анкета;

миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

уй-жой учун ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

“Фахрий фуқаро” мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома;

35x45 мм. ўлчамли иккита фотосурат.

19. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс — хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона муассиси (иштирокчиси), шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 8-банди) доимий яшашга рухсат олиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

киритилган инвестициялар ҳақидаги тегишли маълумотномалардан бири.

Маълумотнома:

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан – хўжалик жамиятларининг сотиб олинган акциялари миқдори тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан – хўжалик жамиятларининг сотиб олинган улушлари миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилганлиги тўғрисида берилади.

20. Ўзбекистон Республикасига “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирганидан кейин (1992 йил 28 июль) келган ҳамда вилоятда узоқ вақтдан бери собиқ СССР паспортлари билан яшаётган ёки уларни йўқотиб қўйган, шунингдек, ҳужжатларга эга бўлмаган (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) ҳамда рўйхатга кирган шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада ариза-анкета;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма)

собиқ СССР паспорти ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ушбу ҳужжатлар бўлмаганда, ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасида таълим олганлиги ёки меҳнат қилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар (агар mavjud бўлса).

35x45 мм. ўлчамли иккита фотосурат;

ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

21. Мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида МваФРБ томонидан уч кунда шахсга мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда маълумотнома берилади.

Мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги маълумотнома амал қилиш муддати мобайнида эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, республика ҳудудида ҳаракатланиш, вақтинча яшаш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, қонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, таълим муассасаларида таҳсил олиш учун асос бўлади.

Ушбу маълумотнома асосида шахс ўзи туғилган ёки мукаддам истиқомат қилган хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик элчихонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат қилади ва

унинг ушбу хорижий давлат фуқаролигига мансуб эмаслиги, олдинги яшаш жойи бўйича прописка қилинмаганлиги тўғрисида маълумотномани олади ҳамда йнғма иш жилдига бириктириш учун МваФРБга тақдим этади.

Шахс мурожаат қилган хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан маълумотнома тақдим этилмаса ёхуд Ўзбекистон Республикасида тегишли давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИВ деб аталади) шахснинг олдинги яшаш жойи бўйича ўзаро шартнома мавжуд бўлган тегишли хорижий давлат ички ишлар органларига унинг бошқа давлат фуқаролигига мансуб эмаслиги ва пропискаси йўқлигини текшириш учун сўровнома юборади. Ўзаро шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда, сўровнома ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилади. Бунда прописка бўйича сўровнома фақатгина Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларга юборилади.

Сўровнома юборилгандан кейин уч ой ичида жавоб келиб тушмаса, МваФРБ мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган мавжуд ҳужжатлар билан чекланади.

Сўровномага жавоб келгунга қадар мазкур тоифа шахсларнинг доимий яшашга рухсат олиш учун берган аризалари мазкур Низомга асосан кўриб чиқилади.

Рўйхатга кирмаган шахсларга фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси, агар улар хорижга доимий яшашга кетиш истагини билдирсалар, ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштириб берилади.

22. МваФРБ ҳужжатларни қабул қилиб олганидан кейин икки ҳафта ичида уларни расмийлаштиради, ариза берувчининг шахсига оид маълумотларни мавжуд маълумотлар тўпламидан текширади. Рўйхатнинг 8-бандига мансуб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мурожаат қилганида, амалда киритилган инвестициялар ҳақидаги маълумотларни текширади. Бир вақтнинг ўзида ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасидан ариза берувчи ва турар жой эгасига доир маълумотларни сўраб олади ҳамда ҳужжатларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаларига (кейинги ўринларда ИИББ МваФРБ деб аталади) юборади, улар тақдим этилган ҳужжатларни уч иш кuni ичида текширади ва материалларни тегишли ваколатли органга юборади.

Зарур ҳолларда, ИИВ ариза берувчининг шахсини ҳамда бошқа давлат фуқаролигига мансублигини аниқлаш мақсадида ўзаро шартнома мавжуд бўлган хорижий давлатнинг Ички ишлар вазирлиги ёки бошқа ваколатли органига сўровнома юбориши мумкин. Ўзаро шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда, сўровнома ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилади.

23. Тегишли ваколатли органдан, шунингдек, бошқа давлатдан сўровномага ижобий жавоб олинган тақдирда, ИИББ МваФРБ ўн кун

муддатда хулоса тайёрлайди ва материалларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига (кейинги ўринларда ИИВ МваФРББ деб аталади) якуний хулоса қабул қилиш учун юборади. Мазкур Низомнинг 25-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Сўровномага уч ой ичида хорижий давлатнинг жавоби келмаганлиги ИИББ МваФРБнинг хулосасини тайёрлаш ҳамда материалларни ИИВ МваФРББга юбориш учун асос бўлади.

ИИВ МваФРББ ушбу масалани ҳал қилиш чоғида тегишли ваколатли органнинг фикрини, зарур ҳолда эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қарорини сўрайди ва бир ой муддат ичида хулоса чиқаради ва бу хулоса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади. ИИВ МваФРББ доимий прописка масаласи бўйича қарорга доир материалларни уч сутка ичида ИИББ МваФРББга юборади.

24. ИИВдан ижобий жавоб олинган, ИИББ МваФРББ икки иш кунида ҳужжатларни тегишли МваФРББга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномасини ҳамда доимий пропискани расмийлаштириб бериш учун юборади.

25. Рўйхатнинг 8-банди бўйича ҳужжат топширган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби, шунингдек, сўровга хорижий давлатнинг ваколатли органларининг жавоби олинган тақдирда (жавоб уч ой мобайнида олинганда), ИИББ МваФРББ ўн кун муддатда ИИВ МваФРББ билан келишмасдан хулоса чиқаради.

ИИББ МваФРББнинг ижобий хулосаси бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга белгиланган тартибда яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш учун асос ҳисобланади.

26. МваФРББ ҳужжатларни олган, уч иш кунида ариза берувчининг яшаш манзилига хабар юборган, яшаш гувоҳномасини расмийлаштириб берган, унинг тегишли бстига доимий прописка штампини қўяди. Бир вақтнинг ўзида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тушунтирилади ҳамда бу ҳақида ундан мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ тилхат олинади.

27. ИИВ томонидан ижобий хулоса қабул қилинган ва айти пайтда турар жой эгаси томонидан ёзма рад жавоби берилган тақдирда, шунингдек, ариза берувчи ёки уй-жой эгаси хабардор қилинган кундан бошлаб олти ой муддат ичида ариза берувчи яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш ва доимий прописка қилиш учун мурожаат қилмаса, МваФРББ хулосани ижро қилиш имконияти йўқлигини ёзма равишда маълум қилган ҳолда уч кунда шахсий йиғма иш жилдини ИИББ МваФРББ орқали ИИВ МваФРББга юборади.

ИИВ МваФРББ олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари томонидан тасдиқланадиган хулоса билан аввалги ижобий хулосани бекор қилади. Хулоса шахсий йиғма

иш жилдига бириктирилган ҳолда, ижро учун тегишлилиги бўйича ИИББ МваФРБ орқали МваФРБга қайтариб юборилади.

28. Доимий пропискаси бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати, шунингдек, Рўйхатнинг 1 ва 5-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилинишига рухсат берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномасига ҳамда ҳаракатланиш ҳужжати мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ штамп қўйилади.

Рўйхатнинг 2, 3, 4, 6, 7 ва 8-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилишга рухсат берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномасига ҳамда ҳаракатланиш ҳужжати мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ штамп қўйилади.

Мазкур фуқароларни доимий яшашга рухсатнома олиш тартиби мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

МваФРБ томонидан 8-банд бўйича доимий пропискадан ўтган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати яшил рангли штамп қўйилади.

Мазкур штампга эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ушбу штамп республиканинг бошқа ҳудудларида вақтинча пропискасиз бўлиш ва яшап ҳуқуқини беради.

Яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати олинганда, алмаштирилганда ёки Рўйхатга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс қайта прописка қилинганда, мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари асосан тегишли штамп қўйилади.

29. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат бериш ради этиш тўғрисидаги қарор тегишлича Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ИИББ ёхуд ИИБ томонидан қабул қилиниши мумкин.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат бериш ради этилган тақдирда, ҳужжатлар уч иш кунида МваФРБга қайтарилади, у эса бир сутка ичида ушбу қарорни ариза берувчига етказди.

30. Прописка қилиш ва пропискадан чиқариш институти мавжуд бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат олганларидан кейин муқаддам пропискада турган жойидан пропискадан

чиққанлик ҳолатини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни (жўнаб кетиш варақаси ёки маълумотнома) тақдим этадилар.

31. Яшаш гувоҳномаси билан ҳужжатлаштирилган чет эл фуқаросининг ва у билан бирга доимий прописка қилинган 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг миллий паспортларига мазкур Низомга 9-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

32. Доимий яшаш учун рухсат бериш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланган ташкилотларга дахлдор бўлса;

шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида била туриб ёлгон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса;

ҳужжатларни кўриб чиқиш босқичида доимий прописка қилишга турар жой эгаси томонидан рад жавоби берилса.

33. Чет эл фуқарolari учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 5 йилга муддатга, аммо миллий паспортнинг амал қилиш санасидан ошмаган муддатга берилади. Чет эл фуқароси 60 ёшга тўлганидан кейин яшаш гувоҳномаси миллий паспортнинг амал қилиш муддатига берилади.

34. Фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга, у 60 ёшга тўлганидан кейин эса муддатсиз берилади.

35. Рўйхатнинг 8-бандида назарда тутилган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга – 10 йил муддатга, бироқ миллий паспортнинг амал қилишидан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

36. Яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддатларини узайтириш беш мартагача ушбу Низомнинг 33, 34 ва 35-бандларида белгиланган муддатларга амалга ошириладн, шундан кейин у алмаштирилади.

**3-боб. Республиканинг бошқа ҳудудларидан келган
яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги
бўлмаган шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
пропискани расмийлаштириш тартиби**

37. Рўйхатда назарда тутилган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтиш истагини билдирган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойларидаги МваФРБга мурожаат қиладилар.

38. МваФРБ бир иш кунида чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискадан ўтиш истагини билдирган Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти МваФРБга электрон тизим орқали мазкур Низомга 10-иловага мувофиқ шаклда сўров хати юборади.

39. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ИИББ МваФРБ сўров хатини олгач, уч иш кунида мурожаат қилувчининг Рўйхатга мувофиқлигини ҳамда

уй-жой ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, мазкур Низомга 11-иловага мувофиқ шаклда жавоб хати юборади.

40. МваФРБ сўровномага ижобий жавоб олгач, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтиш истагини билдирган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсни унинг ёзма мурожаати асосида бир иш кунида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига пропискадан чиқаради ва бир вақтнинг ўзида ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдини ҳамда ҳисоб карточкасини тегишли МваФРБга жўнатади, шунингдек, бу ҳақда тегишли Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ МваФРБларни хабардор қилади.

41. Республиканинг бошқа ҳудудларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига пропискадан чиққан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс уч иш кунида тегишли МваФРБга мурожаат этиб, белгиланган тартибдаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

42. Қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган (Рўйхатнинг 1-банди), республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискадан ўтиш учун МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Низомга 12-иловага мувофиқ шаклда ариза;

яшаш гувоҳномаси;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

43. Рўйхатнинг 1-банди асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида доимий прописка қилинади.

44. Қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари бўлган, яъни ота-она фарзандлари, фарзандлар ота-оналари, бобо ва бувилар неваралари, неваралар бобо ва бувилари доимий прописка қилинган уй-жой майдони (Рўйхатнинг 2-бандига мансуб бўлган) республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискадан ўтиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

тугилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

45. Эр (хотин) хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган (Рўйхатнинг 3-банди) республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискадан ўтиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

46. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига (Рўйхатнинг 4-банди) доимий пропискадан ўтиш учун республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МваФРБга ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

47. Ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар – ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига (Рўйхатнинг 5-банди) республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискадан ўтиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагиларни тақдим этадилар:

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки ота-онасини ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори нусхаси.

48. Давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этиладиган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 6-банди) бўлган, республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискадан ўтиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

тегишли давлат давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарининг мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали юбориладиган илтимосномаси.

49. “Фахрий фуқаро” мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари), (Рўйхатнинг 7-банди) республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискадан ўтиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

“Фахрий фуқаро” мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома.

50. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган республиканинг бошқа ҳудудларидан келган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари) (Рўйхатнинг 8-банди) доимий пропискадан ўтиш учун МваФРБга ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлик, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

киритилган инвестициялар ҳақидаги тегишли маълумотномалардан бири.

Маълумотнома:

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан – хўжалик жамиятларининг сотиб олинган акциялари миқдори тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан – ҳўжалик жамиятларининг сотиб олинган улушлари микдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилганлиги тўғрисида берилади.

51. Республиканинг бошқа ҳудудларидан келаётган 16 ёшга тўлмаган шахсларни Рўйхатнинг 1, 2, 4 ва 5-бандлари асосида доимий прописка қилиш туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

52. Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин МваФРБ томонидан уч иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади ҳамда ариза берувчи Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда, унинг яшаш гувоҳномасига штамп қўйиш ва гербли муҳр билан тасдиқлаш орқали доимий прописка расмийлаштирилади.

МваФРБ раҳбари ёки унинг ўринбосари ўз резолюциясида ариза берувчини Рўйхатнинг қайси бандига асосан доимий пропискага қўйиш зарурлигини кўрсатади.

Мазкур фуқароларни доимий прописка қилиш мазкур Низомга 13-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

53. МваФРБ томонидан Рўйхатнинг 1 ва 5-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилинаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномасига мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

Рўйхатнинг 2, 3, 4, 6, 7 ва 8-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилинаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномасига мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ штамп қўйилади.

Яшаш гувоҳномаси олинганда (алмаштирилганда) ёки Рўйхатга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қайта прописка қилинганда, мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларига асосан тегишли штамп қўйилади.

54. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республиканинг бошқа ҳудудларига доимий прописка қилиниши ва пропискадан чиқарилиши, шунингдек, уларнинг бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилганда, уларнинг мурожаати бўйича тегишли МваФРБ томонидан белгиланган тартибда улар

республика ташқарисига чиқиб кетгунга қадар вақтинча прописка қилиниши мумкин.

55. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилгандан сўнг бир йил ичида республикадан чиқиб кетмаса, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтмаган тақдирда, улар олдинги яшаш жойи бўйича ёки республиканинг бошқа ҳудудига тегишли МваФРБ томонидан доимий прописка қилинади.

Бунда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш учун чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс МваФРБга республикадан чиқиб кетмаганлиги сабабини тўлиқ кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома – 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

жўнаб кетиш варақаси;

ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

56. Мазкур Низомнинг 55-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида МваФРБ ариза берган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни олиш учун бир кунда ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармаси ва ИИББ ММБга сўровнома юборади. Жавоб олингандан сўнг уч иш кунида ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган хулоса асосида белгиланган тартибда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси ва доимий прописка расмийлаштириб берилади.

4-боб. Яқунловчи қондалар

57. Туғилганлиги, никоҳи хорижий давлатда қайд этилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг консуллик легаллаштириш қонунчилиги талаблари асосида қонунлаштирилган ёки Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) талабларига мувофиқ апостиль белгиси қўйилган туғилганлиги, никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳномани тақдим этади.

“Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияга (Минск, 1993 йил 22 январь) ҳамда “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатларда тугилиши, никоҳи қайд этилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ушбу давлатлар қонунчилиги талаблари асосида тасдиқланган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида туғилиши, никоҳи қайд этилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан тақдим этиладиган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага консуллик қонунлаштирилиши ёки апостиль белгисини қўйиш талаб этилмайди.

Низомга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган васийликдаги (ҳомийликдаги) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

Васийликдаги (ҳомийликдаги) шахслар бошқа давлатлардан келган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида истиқомат қиладиган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтган ҳолларда, ушбу чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.

58. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига биноан мазкур Низомнинг 17-банди асосида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида МваФРБ, агар ушбу чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсда доимий прописка учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, уч иш кун ичида мобайнида доимий пропискadan чиқариш ва яшаш гувоҳномасини бекор қилиш учун шахсий йиғма иш жилдини ИИББ МваФРБ орқали ИИБ МваФРБга юборади ҳамда бу ҳақда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни огоҳлантиради.

ИИБ МваФРББ олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ички ишлар вазири ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор билан аввалги ижобий қарорни бекор қилади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда, ижро учун тегишлилиги бўйича ИИББ МваФРБ орқали МваФРБга қайтариб юборилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан пропискadan чиқишдан ва яшаш гувоҳномасини топширишдан бош тортган тақдирда, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва

фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур шахсларни Ўзбекистон Республикасида қолиши учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган республика ҳудудида жойлашган бошқа давлат ҳокимияти органларига, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга ўтиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга эга бўлиши;

ўз оиласи (турмуш ўртоғи, фарзанди)га эга бўлиши.

59. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига биноан мазкур Низомнинг 48-банди асосида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида МваФРБ, агар ушбу чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсда доимий прописка учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни белгиланган тартибда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан илгариги яшаш жойига ёки унинг аризасига кўра доимий пропискадан чиқаради.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан пропискадан чиқишдан бош тортган тақдирда, уларнинг доимий пропискаси ҳудудий МваФРБ томонидан тайёрланган хулоса асосида бекор қилинади.

60. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси билан ҳужжатлаштирилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг доимий пропискаси суднинг уй-жойдан кўчириш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарори асосида бекор қилинади.

Шунингдек, яшаш гувоҳномаси ва доимий пропискани бекор қилиш қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда ҳам суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

61. Орган ва ташкилотлар раҳбарлари илтимосномаси асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган бошқа орган ва ташкилотларга ишга ўтган тақдирда, унинг пропискаси бекор қилинмайди.

Бунинг учун чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бир ой муддат ичида бошқа орган ва ташкилотга ўтганлиги ҳақида иш жойидан берилган маълумотномани МваФРБга тақдим этиши лозим.

62. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга турар жой майдони берган уй-жой

мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу шахслар тўғрисида ҳудудий ички ишлар органини хабардор қилиши шарт.

63. МваФРБ бошқа давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномасини бериш ва доимий прописка қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш бўйича ҳисоботини юритади ва ҳар чоракда ИИБ МваФРББга юборади.

64. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши ички ишлар органлари ва маҳаллий ижро этувчи органлар томонидан амалга оширилади.

65. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова


**Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка
қилинган ҳуқуқига эга бўлган шахслар – чет эл фуқаролари
ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифаларининг
РЎЙХАТИ**

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар – хусусий мулк қилиб сотиб олинган уй-жойга.
2. Қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига.
3. Эр (хотин) хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган бўлса.
4. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига.
5. Ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар – ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига.
6. Давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этиладиган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – кўрсатиб ўтилган шахслар лавозимда турадиган даврга.
7. “Фахрий фуқаро” мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари).
8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс – хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона муассиси (иштирокчиси), шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари).

Изоҳ: ушбу қарор қучга кирганидан сўнг мазкур Рўйхатнинг 2 (эр ёки хотин, ўз оиласи бўлмаган вояга етган болалари ва эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) олоинги никоҳдан ёки никоҳсиз туғишган вояга етмаган болалари, шунингдек, фарзандликка олинган болалари бундан мустасно). 3, 4, 6, 7 ва 8-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

(шаҳар-туман номи)
МваФРБ бошлиғига



(чет эл фуқароси/фуқаролиги бўлмаган шахс) _____дан

(фамилияси, исми, отасининг исми)
қуйидаги манзилда вақтинча яшайдиган:

тел. _____ (уй) _____ (хизмат)

А Р И З А – А Н К Е Т А

Менга Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсат беришингизни
сўрайман

(сабаби кўрсатилади)

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

1. Туғилган йил, кун, ой _____
2. Туғилган жойи _____
3. Миллати _____



4. Сиз муқаддам бошқа давлат фуқароси бўлганмисиз? Сиз каерда, қачон, қайси
давлат фуқароси бўлгансиз, агар йўқотган бўлсангиз нима сабабли, батафсил кўрсатинг.

5. Қачон, қандай сабабга кўра муқаддам Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида
бўлгансиз?

6. ☐ оилалиман, ☐ оиласизман (тегишли катакка белги қўйилади).

7. Ўзингиз билан доимий яшашга илтимоснома бераётган фарзандларингизни
(16 ёшгача) фамилияси, туғилган йили, фуқаролиги:

- а) _____
б) _____
в) _____
г) _____



8. Меҳнат фаолияти, шу жумладан, таълим ва ҳарбий хизмат.

[illegible]

Изоҳ: Меҳнат шартномаси асосида ишлайётган ёки ўқийётган шахслар учун маълумотлар иш ёки ўқиш жойи бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Иш жойи бўлмаганда, ариза-анкета яшаши жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи томонидан тасдиқланади.

9. Хорижда истиқомат қиладиган қариндошларим:

[illegible]

10. Ўзбекистон Республикасида истиқомат қиладиган қариндошларим (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қиладиган турмуш ўртоғимнинг қариндошлари):

Фамилияси, исми, отасининг исми	Қариндошлик даражаси	Тугилган йили ва фуқаролиги	Иш жойи, лавозими	Яшаш манзили

11. Қўшимча равишда қуйидагиларни маълум қиламан:

а) миллий паспорт рақами _____, _____
(қачон, қаерда, ким томондан берилган)
_____, муддати 20__ йил “__” _____ гача

б) виза _____ рақами _____ 20__ йил “__” _____ да

(ким томондан, қаерда берилган)
муддати 20__ йил “__” _____ гача.

Ариза-анкетада кўрсатилган маълумотлар тўғри. Ўзим, оила аъзоларим ва қариндошларим тўғрисида нотўғри маълумотлар берган тақдиримда, яшаш учун рухсатнома олишга рад жавоби берилиши ҳақида огоҳлантирилдим.

20__ йил “__” _____
(ариза берувчининг имзоси)

12. Ариза-анкетани қабул қилди ва маълумотларни текширди:

20__ йил “__” _____
(маъсул ходимнинг лавозими, унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

Қўшимча
маълумотлар _____

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомига
3-илова

ИЛТИМОСНОМА

_____ (чет эл фуқароси/фуқаролиги бўлмаган шахс)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ га

_____ (давлат органи ёки ташкилоти номи)

_____ лавозимга ишга қабул қилинган

_____ (лавозими)

(тайинланган)лиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва
Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида”ги Низом билан
тасдиқланган Рўйхатнинг 6-бандига мувофиқ _____

_____ (Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти)

_____ да доимий прописка қилинишини сўраймиз.

_____ (чет эл фуқароси/фуқаролиги бўлмаган шахс)

_____ нинг

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

ишончлилигига кафолат берамиз.

Илова: _____ варақда.

_____ (давлат органи ёки ташкилоти раҳбари)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

М.Ў.

20__ йил “__” _____

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомига
4-илова



_____-сон
20__йил “__” _____

МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу маълумотнома _____йил “__” _____да
(тутилган жойи)
туғилган _____
_____нинг
(фамилияси, исми, отасининг исми)
вақтинча шахсини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Маълумотнома 20__йил “__” _____гача ҳақиқий.

(шаҳар-туман номи)

МваФРБ боғлиғи

(Ф.И.О ва имзо)

М.Ў.

ўлчам: 150X210 мм

Изоҳ: Маълумотнома гербли муҳр билан тасдиқланиб, орқа томонига вақтинча
прописка штамми қўйилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган
шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

ТИЛХАТ

Мен

_____ га
(Ф.И.О. ва фуқаролиги / фуқаролиги бўлмаган шахс)

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиши, яшаши ва ҳаракатланиш қоидалари, уларни бузганлик учун жавобгарлик, хорижий давлатларга вақтинча ва доимий чиқиш тартиблари тушунтирилди.

Мен хорижий давлатларга вақтинча чиқиб, уч йил давомида доимий яшаш манзилимга қайтиб келмасам, менга берилган яшаш гувоҳномаси ва доимий прописка бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилдим.

Шунингдек, менга, _____ серияли, _____ рақамли, 20__ йил “__”
_____ да _____ томондан берилган яшаш гувоҳномаси 20__ йил “__”
_____ га қадар ҳақиқийлиги эълон қилинди.

20__ йил “__” _____
(имзо)

Тилхатни олди _____
(масъул ходимнинг лавозими ва Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____
(имзо)

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомига
6-илова

Доимий пропискиси бўлган ЧЭФ ва ФБШларнинг яшаш
гувоҳномасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида”ги
Низом билан тасдиқланган Рўйхатнинг 1 ва 5-бандларига асосан доимий
пропискадан ўтган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг
яшаш гувоҳномасига қўйиладиган штамп

НАМУНАСИ

Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumani II OFMB	
DOIMIY PROPISKA QILINDI	
_____ ko'cha (daha)si _____ uy _____ xonadon	
“ _____ ” _____ yil	
M.I. _____	(imzo) _____

Штамп ўлчами 60 x 30 мм

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида”ги Низом билан тасдиқланган Рўйхатнинг 2,3,4,6,7 ва 8-бандларига асосан доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномасига қўйиладиган штамп

НАМУНАСИ

Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumani II OFMB ro'yxatning 2, 3, 4, 6,7,8 - bandlariga asosan	
DOIMIY PROPISKA QILINDI	
_____ ko'cha (daha) si _____ uy _____	
xonadon	
“ _____ ” _____ yil	
M.J. _____	(imzo) _____

Штамп ўлчами 60 x 30 мм

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган чет
эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон
Республикасида доимий яшаш учун рухсатнома олиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс	Белгиланган шаклдаги ариза-анкетани тўлдиради ва тегишли хужжатлар билан вақтинча пропискадан ўтган жойлари бўйича ИИО МваФР бўлинмасига мурожаат қилади.	Зарурат туғилганда
2-босқич	МваФР бўлинмаси	1. Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсдан хужжатларни қабул қилиб олганидан кейин уларни расмийлаштиради, ариза берувчининг шахсига оид маълумотларни мавжуд маълумотлар тўпламидан текширади. 2. Бир вақтнинг ўзида ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасидан ариза берувчи ва турар жой эгасига доир маълумотларни сўраб олади ҳамда хужжатларни Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаларига юборади.	Ўн тўрт кун давомида
3-босқич	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ МваФР бошқармаси	Тақдим этилган хужжатларни текширади ва ариза-анкетани бир нусхасини тегишли ваколатли органга юборади.	Уч иш куни давомида
4-босқич	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси	Ариза-анкетани кўриб чиқади, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни доимий яшашга қолиши мақсадга мувофиқлиги ёки йўқлиги тўғрисида ўз хулосасини беради.	Ўттиз кун давомида
5-босқич	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ МваФР бошқармаси	Ижобий жавоб олинган тақдирда, хулоса тайёрлайди ва материалларни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига якуний қарор қабул қилиш учун юборади.	Ўн кун давомида
6-босқич	Ўзбекистон Республикаси ИИБ МваФР бош бошқармаси	Тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чиқиб, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни доимий яшашга қолишни мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига сўров хати юборади.	Уч иш куни давомида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
7-босқич	Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати	Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни доимий яшашга қолиши мақсадга мувофиқлиги ёки йўқлигини ўрганиб чиқиб, бу бўйича ўз фикрини беради.	Ўттиз кун давомида
8-босқич	Ўзбекистон Республикаси ИИБ МваФР бош бошқармаси	1. Тегишли жавоб олинган тақдирда, қарор чиқаради, бу қарор Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади. 2. Доимий прописка масаласи бўйича қарорга доир материалларни ИИББ МваФРБга юборади.	Уч иш кун давомида
9-босқич	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ МваФР бошқармаси	ИИБдан ижобий жавоб олингач, ҳужжатларни тегишли МваФР бўлинмасига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномасини ҳамда доимий пропискани расмийлаштириб бериш учун юборади.	Икки иш кун давомида
10-босқич	МваФР бўлинмаси	Ҳужжатларни олгач, ариза берувчининг яшаш манзилига хабар юборади, яшаш гувоҳномасини расмийлаштириб бергач, унинг тегишли бетига доимий прописка штампини қўяди. Бир вақтнинг ўзида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари гушунтирилади ҳамда бу ҳақда ундан мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ тилхат олинади.	Уч иш кун давомида

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

Яшаш гувоҳномаси билан ҳужжатлаштирилган чет эл фуқаросининг
ва у билан бирга доимий прописка қилинган 16 ёшга тўлмаган фарзандининг
миллий паспортига қўйиладиган штамп
НАМУНАСИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI HUDUDIDA DOIMY PROPISKA QILINGAN	
PERMANENTLY REGISTERED ON THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	
M.I.	(imzo)

Штамп ўлчами 60 x 35 мм

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомига
10-илова

(шаҳар-туман номи)

МваФРБ бошлиғига

кўча _____ вилоят (Республикаси) _____ туман (шаҳар),
_____ (қишлоқ, овул, маҳалла) _____ уй, _____ корпус
_____ хонадонда доимий яшовчи _____ й.т. _____

(фуқаролиги, Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида"ги Низоми билан тасдиқланган Рўйхатнинг _____-бандига мувофиқ Тошкент шаҳар (вилояти) _____ туман (шаҳар), _____ кўча _____ (қишлоқ, овул, маҳалла) _____ уй, _____ корпус _____ хонадонга доимий пропискага ўтиш истагини билдириб мурожаат қилди.

Сиздан ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, мазкур фуқарони юқорида кўрсатилган манзилга доимий прописка қилиш масаласида ўз фикрингизни билдиришингизни сўраймиз.

(туман (шаҳар) номи)

МваФРБ бошлиғи

(уновони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
II-илова

_____ (туман (шаҳар) номи)

МваФРБ бошлиғига

_____ вилояти (Республикаси) _____ туман (шаҳар),
_____ кўча _____ (кишлоқ, овул, маҳалла) _____ уй, _____ корпус
_____ хонадонда доимий яшовчи _____ й.т. _____

_____ (фуқаролиги, Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида”ги Низом билан тасдиқланган Рўйхатнинг _____-бандига асосан, Тошкент шаҳар (вилояти) _____ туман (шаҳар), _____ кўча _____ (кишлоқ, овул, маҳалла) _____ уй, _____ корпус _____ хонадонга доимий прописка қилинишини мақсадга мувофиқ* (ёки мувофиқ эмас) деб ҳисоблаймиз.

_____ (туман (шаҳар) номи)

МваФРБ бошлиғи

_____ (уновони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

**) Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, тегишли туман (шаҳар) ИИБ, ИИОФМБдан чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма жилди ва ҳисоб варақалари сўраб олинади.*

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
12-илова

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)			
		(шаҳар-туман номи)	
		МваФРБ бошлиғига	
Доимий прописка қилиш тўғрисида АРИЗА			
Фамилияси _____			
Исми _____		Отасининг исми _____	
Туғилган санаси _____		Фуқаролиги _____	
Қаердан келди _____			
		(минтақа номи)	
Келиш мақсади _____ (ўз уй-жойига, қариндошларга, васий (ҳомий)га, oilалар бирлашуви, ишга)			
Қуйидаги манзилга доимий пропискага қўйишингизни сўрайман: _____ туман (шаҳар), _____ кўча _____ (мавзе) _____ уй, _____ корпус _____ хонадон.			
Тураб жой _____ томонидан берилди. (уй-жой мулкдори Ф.И.О. ёки уй-жой берган ташкилот номи)			
Мен билан қуйидаги oilа аъзоларимни доимий пропискага қўйишингизни сўрайман:			
Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва фуқаролиги	Қаердан келди
Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____			
Имзо _____		20 ____ йил « ____ » _____	

Изоҳ: Ариза берувчи учун ишончли вакиллар, вояга етмаганлар учун эса, oilа-oilалар, васий (ҳомий)лар вакил ҳисобланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган
шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
доимий прописка қилиш тартиби тўғрисида низомга
13-илова

**Республиканинг бошқа минтақаларидан келган яшаш гувоҳномасига эга
бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Тошкент
шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтиш истагини билдирган яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойларидаги МваФР бўлинмасига мурожаат қилади.	Зарурат туғилганда
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар МваФР бўлинмаси	Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий пропискадан ўтиш истагини билдирган Тошкент шаҳар ёки Тошкент вилояти МваФР бўлинмасига электрон тизим орқали сўров хати юборади.	Бир иш кунида
3-босқич	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ МваФР бўлинмаси	Сўровномани олгач, мурожаат қилувчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Рўйхатга мувофиқлигини ҳамда уй-жой хужжатларини ўрганиб чиқиб, жавоб хати юборади.	Уч иш куни давомида
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар МваФР бўлинмаси	Сўровномага ижобий жавоб олгач, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтиш истагини билдирган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсни ёзма мурожаати асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига пропискадан чиқаради. Бир вақтнинг ўзида ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдини ҳамда ҳисоб карточкасини тегишли МваФР бўлинмасига жўнатади. Бу ҳақда тегишли Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ МваФРБларни хабардор қилади.	Бир иш куни давомида
5-босқич	Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс	Доимий пропискадан ўтиш учун тегишли МваФР бўлинмасига мурожаат этиб белгиланган тартибдаги хужжатларни тақдим этади.	Уч иш куни давомида
6-босқич	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ МваФР бўлинмаси	Тақдим этилган барча зарур хужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади ҳамда ариза берувчи Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда, унинг яшаш гувоҳномасига штамп қўйиш ва гербли муҳр билан тасдиқлаш орқали доимий прописка расмийлаштирилади.	Уч иш куни давомида

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига
3-илова

**Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри
ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилиш тартибини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш тартиби алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

2. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, апартаментлар, апартаментлар комплекси (резиденция), спа-меҳмонхоналар, бутик-отеллар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, туристик кишлоқлар, кемпинглар, санаторийлар, пансионатлар, дам олиш зоналари ва уйлари (марказлари), туризм ва спорт базалари, палаткали (кемпинг) лагерлар ва комплекслар, оилавий меҳмон уйлари, ўтов ва палаткали лагерлар ва бошқа объектлар, шуингдек, тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти автотранспортлари;

даволаш муассасалари – санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасарруфидаги ва хусусий клиникалар, шифохоналар, касалхоналар ва бошқа тиббий муассасалар;

миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати – чет эл фуқаросининг хорижга чиқиш миллий паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

вақтинча прописка - чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни жойлаштириш муассасалари, даволаш муассасаларида вақтинча ҳисобга олиш ёки ички ишлар органларида вақтинча прописка қилиш;

“E-mehmon” дастури – меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларни ҳисобга олишнинг махсус электрон автоматлаштирилган дастури;

хорижий инвестор – хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8500 бараварида ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини

сотиб олиш, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган ҳамда амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталиқ инвестиция визасига эга чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс.

3. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий яшашлари ёки вақтинча бўлишлари мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари (кейинги ўринларда МваФРБ деб аталади), жойлаштириш воситалари ёки даволаш муассасалари томонидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар прописка қилинган жойда яшашлари лозим.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзлари яшаб турган жой тўғрисида хабар бериши тартиби, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар ҳамда ташкилотларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этишлари шарт.

4. Республиканинг бошқа ҳудудларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилганлик учун МваФРБга томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

2-боб. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга вақтинча пропискани расмийлаштириш тартиби

5. Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

худудида тегишли равишда миллий паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжати билан вақтинча прописка асосида яшайдилар. Вақтинча прописка белгиланган пунктга келгандан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно.

Вақтинча прописка қилишнинг уч суткалик муддати келиш (чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси назорат-ўтказиш пункти орқали ўтиши) санасидан кейинги куннинг 00:01 соатидан бошлаб ҳисобланади.

Хорижий инвесторларни, улар томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар орасидан жалб этиладиган мутахассисларни ва уларнинг оила аъзоларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудида вақтинча прописка қилиш хорижий инвесторлар томонидан ушбу худудда инвестиция лойиҳаси амалга оширилган ҳолларда, визанинг амал қилиш муддатига (улар учун халқаро шартномалар асосида визасиз режим ўрнатилган хорижий давлатлар фуқаролари учун – доимий яшаш жойидан ўчирмасдан 1 йил муддатга) амалга оширилади.

Ушбу банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган шахсларга вақтинча пропискани расмийлаштиришда МваФРБ томонидан яшил рангли штамп қўйилади.

Мазкур штампга эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ушбу штамп республиканинг бошқа худудларида вақтинча пропискасиз бўлиш ва яшаш ҳуқуқини беради.

6. Қуйидагилар вақтинча пропискадан озод қилинади:

а) республикага Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига мувофиқ келган хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари, парламент ва ҳукумат делегацияларининг аъзолари, ушбу делегацияларнинг техник ходимлари, санаб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан берилган паспортлар бўйича Ўзбекистон Республикасига келган шахслар;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

г) 16 ёшга тўлмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

д) Ўзбекистон Республикасига байрам ва дам олиш кунларида ёки оддий кунларда уч суткагача бўлган муддатга келадиган ҳамда шу кунлар давомида республикадан чиқиб кетадиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

е) саёҳат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар уларнинг республиканинг ҳар бир аниқ аҳоли пунктида бўлиш

муддати уч суткадан ошмаса, уларнинг бўлганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (хизматлардан фойдаланганлигини ёки товарлар харид қилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар) мавжуд бўлганда. Бунда битта аҳоли пунктида узлуксиз рўйхатдан ўтиш талаби қўйилмайди;

ж) Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда келган чет эл ҳарбий самолётлари (кемалари) экипажларининг аъзолари;

ҳарбий самолётлар (кемаларнинг) экипажлари аъзоларининг қирғоққа тушиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юришига ҳарбий самолётлар (кемалар) қабул қилиш режасига мувофиқ катта (ҳарбий) бошлиқ томонидан рухсат этилади;

з) халқаро йўлларда юк ва йўловчилар ташишни амалга оширувчи хорижий автотранспорт воситалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар, ташишларни амалга ошираётган йўналишларидаги шаҳарларда ва аҳоли яшаш жойларида, шу жумладан, борадиган жойларида бўлган чоғларида;

и) ҳарбий бўлмаган чет эл кемалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар гарнизонларда ва чегара шаҳарларида бўлган чоғларида, бу шахслар уюшган ҳолда саёҳатга чиққан вақтларида эса, Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларида ҳам. Чет эл фуқаролари кўрсатиб ўтилган тоифаларнинг объектлардан чиқишларига портларда амалда бўлган қоидалар ва йўриқномаларга мувофиқ чегара қўшинлари вакиллари томонидан рухсат этилади;

к) халқаро авиация йўлларининг фуқаро ҳаво кемалари экипажлари, халқаро темир йўл поездлари бригадалари таркибига кирувчи шахслар, қатновнинг амалдаги жадвалида кўрсатилган аэропортларда ёки станцияларда бўлган чоғларида.

7. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш МваФРБни хабардор қилган ҳолда қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмурияти томонидан улар келиб жойлашган вақтда, қанча муддат бўлишларидан қатъи назар, “E-mehmon” дастури ёрдамида;

б) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни шахсий ишлар бўйича, ватандош сифатида Ўзбекистон Республикасига нотижорат мақсадларда таклиф қилган (қабул қилаётган) ва уларга турар жой берган жисмоний шахслар томонидан:

улар келиб жойлашган пайтда “E-mehmon” дастури ёрдамида хабардор қилиши ёки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар келганидан кейин, агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати тўлиқ 30 суткадан ошмаса, уч иш куни ичида ҳудудий МваФРБга ёзма равишда мурожаат қилиш орқали;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар келганидан кейин, агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати

30 суткадан ошса, уч иш куни ичида ҳудудий МваФРга ёзма равишда мурожаат қилиши йўли билан;

в) мустақил равишда саёҳат қилаётган, палаткали лагерларда ва тунаш учун жойлашиш воситасига айлантирилган ер транспортида яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг келганларидан кейин уч иш куни мобайнида туристик-ахборот марказларига ёки яқин орадаги жойлаштириш воситаларига мурожаат қилиш йўли билан, махсус “E-mehmon” дастури модули ишга туширилганидан кейин эса маълумотларни саёҳат йўналишидаги аҳоли пунктларини кўрсатган ҳолда мустақил равишда тўлдириш йўли билан хабардор қилиш орқали.

Туристик-ахборот марказларининг ва жойлаштириш воситаларининг маъмуриятлари “E-mehmon” дастури ёрдамида ҳудудий ички ишлар органларига мустақил равишда саёҳат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатлари асосида улар тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилган билдиришномани юборишлари шарт.

Жойлашган шахсларнинг ҳисоби жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан юритилади.

МваФРБ жойлашган шахслар тўғрисидаги ахборотни ҳар ҳафтада ҳудуд бўйича манзил-маълумотлар бюросига юбориши шарт. Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари яшовчилар жойлаштирилган пайтда ҳудудий МваФРБ жойлашган, рўйхатдан ўтишлари керак бўлган шахслар тўғрисида “E-mehmon” дастури ёрдамида хабардор қилишлари шарт.

Жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи хусусий уйларга (квартираларга) келувчиларни ҳисобга олиш жойлаштириш воситаларининг масъул шахслари томонидан жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги ёзма келишув (шартнома) асосида ёки белгиланган тартибда сертификатлаштирилган ушбу уйларнинг (квартираларнинг) эгалари томонидан мустақил равишда белгиланган тартибда “E-mehmon” дастури ёрдамида амалга оширилади.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан ушбу талабнинг бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида чет эл фуқароларининг қуйидаги тоифалари аккредитация қилинади:

а) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг бошликлари ва ходимлари, ҳарбий атташелар, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари, уларнинг қарамоғи остидаги оила аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва унинг ҳудудида доимий яшамайдиган уй ишчилари;

б) оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва уларнинг оила аъзолари;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари бошлиқлари ва ходимлари, шунингдек, уларнинг қарамоғи остидаги оила аъзолари;

г) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган иқтисодий, техникавий ҳамкорлик ва гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотларининг бошлиқлари ва ходимлари, шунингдек, уларнинг қарамоғи остидаги оила аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мазкур шахсларга аккредитация карточкалари берилади ҳамда бевосита уларнинг миллий паспортларига аккредитация ҳақида ёзиб қўйилади.

9. Ушбу Низомнинг 7, 8 ва 10-бандларида кўрсатилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, уларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошмаса, “Е-mehmon” дастури ёрдамида ёки ҳудудий МваФРБга ёзма мурожаат этиш ёрдамида хабардор қилиш асосида, агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати 30 кундан ортиқ бўлса, таклиф қилувчи (қабул қиладиган) шахсларнинг, ташкилотларнинг ёзма мурожаати асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий МваФРБда рўйхатдан ўтказилиши керак. Билдиришномалар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жойлашган пайтда МваФРга мурожаат эса, байрам ва дам олиш (якшанба) кунларини ҳисобга олмаган ҳолда уч суткадан кечиктирмасдан берилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида шахсий (хусусий) ишлар бўйича, фуқаро (шахс)ларнинг таклифлари билан бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча пропискадан ўтказиш чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган (қабул қиладиган) ва уларга нотижорат мақсадларда уй-жой майдони берган жисмоний шахслар томонидан:

агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати тўлиқ 30 кундан ошмаса, ҳудудий ИИОларини “Е-mehmon” дастури ёрдамида хабардор қилиш йўли билан ёки ҳудудий МваФРга ёзма мурожаат этиш орқали;

агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддати 30 кундан ортиқ бўлса, ҳудудий МваФРга ёзма мурожаат қилиш йўли билан амалга оширилади.

30 кунгача вақтинча пропискадан ўтказиш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар “Е-mehmon” дастурида қайд этилади ва унинг ёрдамида туристик йиғимни (меҳмонхона йиғимини) тўлайдилар ҳамда ҳудудий МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда юборадилар:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати нусхаси;

уй-жой мулкдорининг вақтинча пропискадан ўтказишга ёзма розилигининг кўчирма нусхаси ва уй-жойга ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар нусхаси.

Худудий МваФРБга ёзма мурожаат қилиш йўли билан 30 кунгача вақтинча пропискадан ўтказиш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар юқорида санаб ўтилган ҳужжатларни ҳамда туристик йиғим (меҳмонхона йиғими) тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни тақдим этадилар.

30 кундан ортиқ муддатга вақтинча таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар ўзлари турган жойдаги худудий МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой кадастр ҳужжатларининг (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма) асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг вақтинча пропискадан ўтказишга ёзма аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнат фаолияти билан шугулланса, қабул қилувчи юридик шахснинг 2-иловага мувофиқ белгиланган шаклдаги илтимосномаси;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳақидаги маълумотлар — инвестиция лойиҳаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудида амалга оширилган тақдирда, хорижий инвесторлар, улар томонидан чет эл фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзолари учун.

Ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик учун Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божлари ставкаларида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

8 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

92 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча прописка муддатини узайтириш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар вақтинча прописка муддати тугашидан олдин худудий МваФРБга юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилишлари керак.

10. Жойлаштириш воситаларида ва даволаш муассасаларида ушбу Низомнинг 6 ва 9-бандларида кўрсатилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги

бўлмаган шахслардан ташқари, Ўзбекистон Республикасига шахсий (хусусий), хизмат, савдо ёки жамоат ишлари бўйича, таълим олиш, даволаниш ёки дам олиш учун, турист сифатида келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча прописка қилиниши лозим.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг амалда вақтинча прописка қилинганлигини текшириш ИИО томонидан “E-mehmon” дастури ёрдамида амалга оширилади.

11. Ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш жойлаштириш воситалари ҳамда даволаш муассасалари маъмурияти томонидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда “E-mehmon” дастури ёрдамида амалга оширилади.

12. Қуйидагилар вақтинча пропискадан ўтказишга тенглаштирилади:

а) сафарлар туроператор ва турагент томонидан ИИОга туристларнинг миллий паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати маълумотлари, ҳаракатланиш йўналишларининг схемалари, саёҳат қилиш вақтида тўхташ (тунаш) жойлари кўрсатилган рўйхатлари “E-mehmon” дастури ёрдамида электрон шаклда тақдим этилганида;

б) сафарлар туроператор ва турагент томонидан аҳоли пунктларидан ташқарида ташкил этиладиган тур доирасида экскурсия раҳбари, гид ва/ёки йўриқчи-бошловчи ҳамроҳлигида, бундай тур ёки унинг бир қисми 10 суткадан ошмаган ҳолда амалга оширилганида;

в) сафарлар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан туроператор ва турагентнинг автотурини сотиб олган ҳолда шахсий автомобилда, мотоциклда, велосипедда, яёв ёки гуруҳ таркибида автобусда амалга оширилганда.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча пропискадан ўтмасдан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган муддатдан ортиқ вақт давомида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига МваФРБнинг тегишли рухсатсиз жойлаштириш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тақиқланади.

14. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, шунингдек, бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисида жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг маъмурияти, хусусий уй-жой эгалари ҳудудий ички ишлар органларига дарҳол хабар беришлари шарт.

Бундай шахсларни жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасасида вақтинча прописка қилиш фақат ички ишлар органларидан рухсат олингандан кейин амалга оширилиши мумкин.

15. Жойлаштириш воситаларида ва даволаш муассасаларида, шунингдек, хусусий уй-жойда яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиш муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимосномалари ёхуд таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва

юримдик шахсларнинг ёзма мурожаатлари ёки виза режими қўлланилмайдиган, ё бўлмаса виза беришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган, учинчи шахсларнинг таклифисиз, аммо визанинг амал қилиш муддати доирасида келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ёзма аризалари асосида амалга оширилади.

16. Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс жойлаштириш воситасига, даволаш муассасасига келган пайтда амалга оширилади.

17. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати билан жойлаштириш воситаларига ва даволаш муассасаларига умумий асосларда жойлашадилар ҳамда вақтинча прописка қилинадилар.

18. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинмаган чет эл фуқароларининг дипломатик паспортлари жойлаштириш воситаларида ва даволаш муассасаларида ушбу Низомга мувофиқ вақтинча прописка қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпуснинг белгиланган тартибда аккредитация қилинган, миллий паспорт ёки аккредитация карточкаси асосида жойлаштириш воситаларида яшаётган ва даволаш муассасасида бўлган аъзолари жойлаштириш воситаларининг ва даволаш муассасаларининг ҳисобга олиш дафтарлари ва карточкалари бўйича паспортлар ва аккредитация карточкаларига белги қўймасдан вақтинча прописка қилинадилар.

19. Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмурияти, шунингдек, бошқа хусусий уй-жой эгалари томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан назоратни ҳудудий ички ишлар органлари амалга оширади.

20. Ушбу Низомнинг 8, 9 ва 10-бандларида кўрсатилган чет эл фуқароларининг аккредитация ёки вақтинча пропискадан ўтказиш муддатини узайтириш тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида, МваФРБда, жойлаштириш воситаларида ва даволаш муассасаларида визаларнинг амал қилиш муддатига улар белгиланган тартибда узайтирилганидан кейин амалга оширилади.

21. МваФРБ орқали виза узайтирилганидан (стикердаги берилган санадан) сўнг уч иш кунидан кечиктирмай ҳудудий МваФРБга, бир иш кунидан кечиктирмай эса жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига вақтинча прописка муддатини узайтириш учун ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

22. “Фахрий фуқаро” мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалари)га вақтинча прописка ички ишлар

органлари томонидан давлат божи ундирилмасдан уч йил муддатгача расмийлаштирилади ва узайтирилади.

3-боб. Республиканинг бошқа ҳудудларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга вақтинча пропискани расмийлаштириш тартиби

23. Республиканинг бошқа ҳудудларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслари вақтинча пропискадан ўтказиш доимий яшаш жойидан пропискадан чиқарилмаган ҳолда, келган жойи бўйича уч кундан олти ойгача бўлган муддатга амалга оширилади.

Яшаш гувоҳномасида яшил рангли доимий прописка штампига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида вақтинча пропискасиз яшашлари ва бўлишлари мумкин.

24. Республиканинг бошқа ҳудудларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш улар келиб жойлашганидан кейин ушбу воситалар ва муассасаларнинг маъмурияти томонидан яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати асосида амалга оширилади.

25. Яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча пропискани расмийлаштириш учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган кунидан бошлаб уч иш кунда ҳудудий МваФРБга мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома – 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс меҳнат фаолияти билан шуғулланса, юридик шахснинг мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ белгиланган шаклдаги илтимосномаси;

ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

26. МваФРБ ҳужжатларни ўрганганидан ва расмийлаштирганидан кейин бир иш куни мобайнида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча пропискани расмийлаштириб, яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжатига тегишли белги қўяди ёки ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ

BARE-CODE билан ҳимояланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча пропискадан ўтказилганлик ҳақидаги қайд варағини беради.

27. Яшаш гувоҳномасига эга бўлган ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларига ўқишга келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш МваФРБ томонидан бир ўқув йили даврига амалга оширилади. Улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига ўқишга ўтган, академик таътил олган, таълим муассасасидан бўшатирилган ёки вафот этган ҳолларда, ушбу муассасаларнинг раҳбарлари тегишли қарор қабул қилинган кунда вақтинча турар жой бўйича вақтинча пропискага олишни расмийлаштирган МваФРБни бундан хабардор қиладилар.

Таълим муассасаси раҳбарларининг билдириши асосида МваФРБ вақтинча пропискани бекор қилади.

28. Вақтинча пропискани такроран расмийлаштириш масалалари МваФРБ томонидан кўриб чиқилади. Бунинг учун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча прописка муддати тугашидан олдин МваФРБга ушбу Низомнинг 25-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этадилар.

МваФРБ аризани қайд этгач, шунингдек, ҳужжатларни белгиланган тартибда ўргангач ва расмийлаштиргач, бир иш кунида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсга вақтинча пропискани такроран расмийлаштиради.

29. Жойлаштириш воситаларининг масъул шахслари келганлар ҳақидаги ахборотни улар жойлашган вақтда “E-mehmon” дастурига киритадилар.

30. МваФРБ вақтинча пропискадан ўтказилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни идоравий маълумотлар узатиш тармоғи орқали реал вақт режимида ИИБ МваФРББнинг марказий маълумотлар базасига узатади.

31. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча пропискага қўйган ҳудудий МваФРБ ушбу чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшаш жойлари бўйича МваФРБга ҳар ойда бир маротаба ёзма шаклда ёки автоматлаштирилган тизим орқали реал вақт режимида улар тўғрисидаги маълумотларни юборади.

32. Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт-виза режими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб борадилар.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча пропискага эга бўлмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун турар жой майдони берган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой

майдони берилган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу шахслар тўғрисида ҳудудий МваФРБни хабардор қилиши шарт.

34. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча яшаш манзилларини ўзгартирса, эски манзилларидан чиқиб кетганларидан сўнг уч иш кунидан кечикмай ҳудудий МваФРБга ёки жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига вақтинча пропискадан ўтиш учун мурожаат этишлари лозим.

35. Республиканинг муайян манзилида вақтинча прописка асосида яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг бошқа манзилида уч кундан ортиқ бўлиш истагини билдирса, амалдаги вақтинча прописка бекор қилинмасдан, бўлиш муддатига вақтинча прописка қилинади. Бунинг учун янги манзилдаги ҳудудий МваФРБга мазкур Низомнинг тегишлилиги бўйича 8 ва 23-бандларида белгиланган ҳужжатлар тақдим этилади.

Бунда янги манзилдаги вақтинча прописка аввалги вақтинча прописка муддатидан ошмаслиги лозим.

36. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши ички ишлар органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади.

37. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

(шаҳар-туман номи)

МваФРБ бошлиғига

А Р И З А

Мени _____ муддатга қуйидаги манзилга вақтинча
пропискага қўйишпингизни сўрайман:

(вақтинча пропискадан ўтаётган манзил кўрсатилади)

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

1. Ф.И.О.

(чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кирилчада ёзилади)

(чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳужжат бўйича латинчада ёзилади)

2. Фуқаролиги _____ 3. Жинси _____

4. Туғилган санаси _____ 5. Туғилган жойи _____

6. Фарзандлари _____

(16 ёшгача бўлган фарзандларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили)

7. Келишдан мақсадим _____

8. Паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) _____

(серия, рақами ва амал қилиш муддати)

9. Келган куни, виза рақами, ким томонидан қачон берилган, амал қилиш муддати: _____

10. Телефон (мобил) _____

Бўлиш давримда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя
қиламан.

Сана _____

Имзо _____

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

(туман (шаҳар) номи)

МваФРБ бошлиғига

(бошлиқнинг резолюцияси, имзо ва сана)

Чиқиш рақами _____
Сана _____

ТАЛАБНОМА

_____ Сиздан қуйидаги чет эл фуқароси ёки фуқаролиги
(юридик шахс номи)
бўлмаган шахсни вақтинча прописка қилишни (вақтинча прописка муддатини
узайтиришни) сўрайди:

1. Ф.И.О. _____
(чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кирилчада ёзилади)

_____ (чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳужжат бўйича латинчада ёзилади)

2. Фарзандлари _____
(16 ёшгача бўлган фарзандларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили)

3. Фуқаролиги _____ 4. Жинси _____

5. Тугилган жойи ва санаси _____

6. Иш жойи ва лавозими _____

7. Паспорт/ҳаракатланиш ҳужжати № _____ 8. Виза тури ва № _____

9. Виза ким томонидан расмийлаштириб берилган ва унинг муддати _____

10. Вақтинча прописка сўралаётган муддат (кунларда) _____

11. Ўзбекистон Республикасига кириб келган санаси (Назорат ўтиш пункти) _____

12. Вақтинча яшаш манзили _____

13. Уй-жой майдони берган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми _____
(тел.) _____

14. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва тақдим этишга масъул бўлган шахснинг
фамилияси, исми, отасининг исми: _____

Паспорт/ҳаракатланиш ҳужжати серияси ва рақами _____
хизмат тел. рақами _____ уяли тел. рақами _____

(юридик шахс раҳбарининг лавозими)

(фамилияси, исми, отасининг исми имзо)

(М.Ў.)

Изоҳлар: Талабнома юридик шахснинг махсус бланкасида ёки А4 форматли оқ қозоғда
расмийлаштирилиб, юқори чап бурчагига ҳужжатнинг чиқиш рақами ва санаси кўрсатилган
бурчақли штамп қўйилади.

Талабномага уй-жой майдони берган шахснинг розилик аризаси илова қилинади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги



Миграция ва фуқаролиқни
расмийлаштириш
бош бошқармаси

Чет эл фуқаросини (фуқаролиги бўлмаган шахсини)
вақтинча прописка қилиш тўғрисида
ҚАЙД ВАРАҒИ

_____ (фуқаролиги)

_____ (қайд варағи рақами)

_____ (Ф.И.О)

_____ (тутилган санаси)

_____ (ҳужжат тури ва берилган санаси)

_____ (ҳужжатининг амал қилиш муддати)

_____ (ҳужжат серияси ва рақами)

Вақтинча яшаш манзили

Қўшимча маълумотлар

_____ (кадастр рақами)

_____ (келишдан мақсади)

_____ (Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти)

_____ (қабул қилувчи томон)

Вақтинча прописка муддати

20__ йил “__” _____ дан

20__ йил “__” _____ гача

_____ (Шаҳар-туман номи)

_____ (каердан келиди)

_____ (уш-хонадон номи)

_____ (маълумотлар)

Қайд варағи берган орган _____

**Қайд варағи унда кўрсатилган муддатгача яшаш гувоҳномаси ёки
ҳаракатланиш ҳужжати билан бирга ҳақиқийдир**

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божлари ставкалари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й. 11-сон, 49-модда) 7-бандининг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини прописка қилганлик ва пропискадан чиқарганлик учун, шунингдек, турган жойи бўйича ҳисобга қўйиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидалари 5-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “туризм операторлари” сўзлари “туроператор ва турагент” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги 797-сон қарори билан тасдиқланган Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг Маъмурий регламенти 11-бандининг “б” кичик бандидан сўнг қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Хизмат кўрсатишдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига тушган маблағлар миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ва ходимларни рағбатлантиришда фойдаланилади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 10-сон, 258-модда):

а) 1-иловада:

2-банднинг учинчи хатбошидаги “беш” сўзи “ўн” сўзи билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Фуқароларни доимий прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш хизматлари уларга қулай бўлган туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш,

шунингдек, аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг вилоят ҳудудининг муайян жойида яшаши ёки вақтинча бўлиши ҳолатини аниқлашни назарда тутди.

Доимий пропискага эга бўлиш ва турган жойлари бўйича ҳисобда туриш учун фуқаролар Давлат хизматлари марказларига ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали мурожаат қилишлари ҳам мумкин”;

қуйидаги мазмундаги 4¹-банд қўшилсин:

“4¹. Бошқа ҳудудлардан келган ҳамда бир манзилдан иккинчи манзилга қўчиб утаётган вояга етмаганларни доимий прописка қилиш улар қайд қилинган ота-оналарининг, васий(ҳомий)ларининг кетиш манзил варақаларининг нусхаси асосида, ота-оналарисиз келган ҳолларда эса доимий прописка қилиш аввалги яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома асосида берилган кетиш манзил варақаси асосида амалга оширилади.

Вояга етмаганлар қайд қилинмаган ёки доимий прописка қилинмаган ҳолларда, аввалги яшаш жойи бўйича ТШИИБ МваФРБнинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси асосида прописка қилинади”;

9-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Доимий прописка қилиш мазкур Низомга 1^а-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади”;

15-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Доимий пропискадан чиқариш мазкур Низом 6^а-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади”;

16-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “беш” сўзи “ўн” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 17¹–17¹²-бандлар қўшилсин:

“17¹. Вилоятларда ҳисобда туриш учун фуқаро келган кунидан бошлаб ўн кун муддатда хоҳишига кўра, ўзига қулай манзилдаги МваФРБга ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилади.

Бундан ташқари, фуқаро ЯИДХП орқали мустақил равишда ҳисобга туриши мумкин.

17². Ҳисобда туриш учун Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат қилинган ҳолларда, фуқаро ва турар жой эгаси номидан Давлат хизматлари маркази ходими томонидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Низомга 16-иловага мувофиқ шаклдаги сўровнома электрон тарзда тўлдирилади.

Сўровнома қуйидаги ҳужжатларга асосан тўлдирилади:

уй-жой мулкдори ва фуқаронинг паспорти;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун) ва паспорт нусхаси.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатилганда ваколатли орган томонидан лозим бўлган маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик йўли орқали олинади.

17³. Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) номидан нотариал тасдиқланган ишончнома орқали ҳаракатланаётган шахслар фуқарони турар жойга ҳисобга қўйишга розилик бериш учун МваФР бўлинмасига мурожаат қиладилар.

17⁴. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг уй-жой мулкдори (мулкдорлари) уни ўзларининг ЭРИ билан тасдиқлайдилар.

ЭРИ калити бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

17⁵. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши (кадастр ҳужжатлари, паспорт маълумотлари, нотариал тасдиқланган розилик хати), шунингдек, давлат хизмати кўрсатиш учун давлат божини тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Бошқа ҳар қандай ҳолат давлат хизмати кўрсатишни рад этишга асос бўлмайди.

17⁶. Фуқаро давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

17⁷. Давлат хизматлари марказларида сўровнома тўлдирилгач, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) электрон тизим орқали юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

17⁸. Сўровнома ваколатли органнинг электрон тизими ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига келиб тушган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида мавжуд маълумотлар базасидан уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда текширилади.

Текшириш натижасига кўра, ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ турган жойида ҳисобга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга BARE-CODE билан ҳимояланган қайд варағини (кейинги ўринларда қайд варағи деб аталади) тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон тарзда юборилади.

17⁹. Қўшимча текшириш талаб этилган ҳолларда эса, электрон тизим орқали тегишли маълумотнома Давлат хизматлари марказига юборилади.

Бунда қўшимча текшириш муддати 3 кундан ошмаслиги лозим.

17¹⁰. Давлат хизматлари маркази қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни фуқаронинг электрон манзилига юборди ва фуқарони бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Фуқаронинг сўровига кўра, унга қайд варағи қоғоз шаклида мурожаат қилган Давлат хизматлари марказининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

17¹¹. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви ЭРИ мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат ҳимояланган идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

17¹². Давлат хизматлари маркази ва ЯИ/ДХП орқали Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Низомга 9-иловага мувофик схема асосида амалга оширилади”;

18-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Ҳисобда туриш учун МваФРБга мурожаат қилган фуқаролар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:”;

иккинчи хатбошидаги “7” рақами “9а” рақами билан алмаштирилсин.

қўйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши қўшилсин:

“Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) томонидан турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) билан бирга ҳисобга туриши лозим бўлган фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим қилинганда, ушбу фуқароларнинг шахсан ўзлари келиши талаб этилмайди”;

19-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Мазкур Низомнинг 18-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин ТШИБ МваФРБ инспектори аризани мазкур Низомга 9^б-иловага мувофик шаклдаги Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобида рўйхатдан ўтказди, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, шу куннинг ўзида ариза берувчига BARE-CODE билан ҳимояланган қайд варағини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи деб аталади) беради.

Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

ТШИБ МваФРБ инспектори қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта ҳисобга олиш тартибини ва ариза топшириш муддатини тушунтиради.

Миграция хизматлари оркали турган жойи бўйича ҳисобга олиш мазкур Низомга 9^В-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади”;

22-бандда:

биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

“Бунда таълим муассасаси томонидан фуқароинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха (16 ёшга тўлмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 35х45 мм. ўлчамли иккита фотосурат) ва таълим муассасаси томонидан турар жой билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома ҳудудий ТШИИБ МваФРБга тақдим этилади. Агар фуқаро олий таълим муассасасига қабул қилинган бўлса, ҳисобга олиш учун давлат божи тўлаши лозим бўлади”;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Фуқаро таълим муассасасининг турар жойидан бошқа турар жойда яшаш истагини билдирганда, мазкур Низомнинг 17² ва 18-бандларида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида фуқаро танлаган жойидаги ТШИИБ МваФРБ томонидан ҳисобга олинади”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 22¹-банд қўшилсин:

“22¹. Давлат хизматлари кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ҳисобига ўтказилади;

б) МваФРБга ўзи келиб мурожаат этганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ҳисобига ўтказилади;

в) ЯИДХП оркали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг ҳисобрақамига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ҳисобига ўтказилади.

Хизмат кўрсатишдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига тушган маблағлар миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ва ходимларни рағбатлантиришда фойдаланилади”;

23-банддаги “18-бандида” сўзлари “17¹ ва 18-бандларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 25¹-банд қўшилсин:

“25¹. Ҳисобга олишни бекор қилиш таълим муассасаси раҳбарияти ва иш берувчининг билдиришномаси, уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ёки фуқаронинг ташаббуси билан амалга оширилади.

ТШИБ МваФРБлар фуқаро ва уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ўртасида тузилган ижара шартномаси бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг фуқарони ҳисобга олишни бекор қилади”;

қуйидаги мазмундаги 28¹ ва 28²-бандлар қўшилсин:

“28¹. Фуқаролардан мазкур Низомда кўрсатилгандан ташқари бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, “Давергеодезкадастр” қўмитасининг базасида мавжуд бўлмаган ҳамда кадастр рақами бўлмаган турар жойларга доимий прописка қилиш, доимий пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш қатъиян тақиқланади.

28². ТШИБ МваФРБ томонидан доимий прописка қилиш, пропискадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга туриш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг нусхалари асли билан бир хиллиги текширилиб, қабул қилинади ва уларнинг нусхалари муҳр билан тасдиқланади”;

30-банддаги “беш” сўзи “ўн” сўзи билан алмаштирилсин.

мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ таҳрирдаги 1а ва ба-иловалар билан тўлдирилсин.

7, 8 ва 9-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ таҳрирдаги 9а, 9б ва 9в-иловалар қўшилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
илова

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий
прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга
олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1^а-илова

**Фуқарони доимий прописка қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Доимий прописка қилиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (бошқармалари) Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ўзи келиб мурожаат қилиш. 2. Доимий прописка қилиш учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш. 3. Хизматни кўрсатиш учун давлат божини тўлаш.	Мурожаат қилинганда
2-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Тақдим этилган ҳужжатлар асосида сўровнома шаклини тўлдириб автоматлаштирилган ахборот тизимига юбориш.	Ариза тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа мобайнида

3-босқич	1. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси 2. “Давері еодезкадастр” кўмитаси	Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текшириш.	10 дақиқа давомида
4-босқич	Ариза берувчи	Доимий прописка қилинаётган ҳудуддаги Мудофаа ишлари бўйича бўлимга ўзи келиб мурожаат қилиш.	1 иш куни давомида
5-босқич	Мудофаа ишлари бўйича бўлим	Ҳарбий ҳисобга олинганлиги ҳақидаги тегишли муҳрни қўйиш.	10 дақиқа давомида
6-босқич	Ариза берувчи	Ҳарбий ҳисобга олингандан сўнг доимий прописка қилинаётган ҳудуддаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига прописка қилинганлик муҳрини қўйдириш учун мурожаат қилиш.	5 кун ичида
7-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Доимий прописка расмийлаштирилиб, бу ҳақдаги тегишли муҳрни қўйиш.	5 дақиқа давомида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий
прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга
олиш тартиби тўғрисидаги низомга
6^а-илова

Фуқарони доимий пропискадан чиқариш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Доимий пропискадан чиқиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (бошқармалари) Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ўзи келиб мурожаат қилиш. 2. Доимий прописка қилиш учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш. 3. Хизматни кўрсатиш учун давлат божини тўлаш.	Мурожаат қилинганда
2-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Тақдим этилган ҳужжатлар асосида сўровнома шаклини тўлдириб автоматлаштирилган ахборот тизимида юбориш.	Ариза тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа мобайнида
3-босқич	1. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси 2. “Давергеодезкадастр” кўмитаси	Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширилади.	Аниқ вақт режимида
4-босқич	Ариза берувчи	Доимий пропискадан чиқаётган ҳудуддаги Мудофаа ишлари бўйича бўлимга мурожаат қилиш.	1 иш куни давомида

5-босқич	Мудофаа ишлари бўйича бўлим	Ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлик ҳақидаги тегишли муҳрни қўйиш.	10 дақиқа давомида
6-босқич	Ариза берувчи	Ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлик ҳақидаги тегишли муҳр босилгандан сўнг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига пропискадан чиқарилганлик муҳрини қўйдириш учун мурожаат қилиш.	1 иш куни давомида
7-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Доимий пропискадан чиқарилганлик ҳақидаги тегишли муҳрни қўйиш.	5 дақиқа давомида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий
прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

(сана)

(рақами)

Турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:

1. Фамилияси	
2. Иси	
3. Отасининг исми	
4. Туғилган жойи ва санаси	
5. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами)	
6. Доимий рўйхатда турган манзили	
7. Вақтинча ҳисобга олинаётган манзили	
8. Келнишдан мақсади ва муддати	
9. Қаерда ва қайси лавозимда ишлайди	
9. Телефон рақами	
10. Электрон почта манзили	

II. Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ёки уй-жой
берган ташкилот ҳақида маълумот:

1. Ф.И.О.	
2. Доимий рўйхатда турган манзили	
3. Кадастр рақами	
4. Уй-жой берган ташкилотнинг алоқа хати	

III. Бир вақтнинг ўзида қўйидаги вояга етмаган онла
аъзоларимни ҳисобга олишингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи
Ўгли		
Қизи		

Уй-жой мулкдори (мулкдорларининг)ЭРИси

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий
прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси
Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш бош
бошқармаси

Турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисида
ҚАЙД ВАРАҒИ



ЖСШИР _____

Рақам _____

Фуқаро _____

Туғилган вақти _____

Ҳужжат _____ Берилган вақти _____

Амал қилиш муддати _____

Серия № _____

Вактинча яшаш манзили

Кадастр. № _____

Вилоят _____

Туман (шаҳар) _____

Манзил _____

Уй № _____ хона
№ _____

Қўшимча маълумотлар

Келишдан мақсад _____

Турган жойи бўйича ҳисобга олиш муддати
_____ йил « _____ » _____ гача.

Қаердан келди _____

Маълумот _____

Қайд варагини берган орган _____

Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини
тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий тувохюмаси
ёки туғилганлик тўғрисидаги тувохюма (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган
тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий
прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга
олиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

**Турган жойи бўйича ҳисобга олишнинг
СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Ариза берувчи	1. Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб муурожаат қилиш ёки ЯИДХИда рўйхатдан ўтиш. 2. Давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат божини тўлаш.	1. Хоҳишига кўра 2. Муурожаат қилинганда
2-боскич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХИ	Сўровнома шаклини тўлдириб ваколатли органга юбориш.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 1 соат мобайнида 2. Аниқ вақт режимида
3-боскич	Ваколатли орган	1. Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширилади. 2. QR-кодли (матрик штрихли кодли) фуқарони турар жой бўйича ҳисобга қўйиш ҳақидаги қайд варағини расмийлаштириш ва Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб муурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда муурожаат этган тақдирда) юбориш.	1 кун мобайнида
4-боскич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХИ	Қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юбориш ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация tizими орқали хабардор қилиш.	1. 10 дақиқа мобайнида 2. Аниқ вақт режимида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
9а-илова

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва синаси)

ТШИБ МваФРБ бошлиғига

**Турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисида
АРИЗА**

Фамилияси _____ Иси _____

Отасининг исми _____

Туғилган санаси _____ Туғилган жойи _____

Қаердан келди _____
(худуд номи)

Келиш мақсади _____
(ўқишга, ишга ёки бошқа сабаб кўрсатилади)

Қуйидаги манзил бўйича ҳисобга олишингизни сўрайман: _____ туман (шаҳар), _____ кўча
_____ (квартал) _____ уй, _____ корпус _____ хонадон.

Турар жой _____ томонидан берилди. _____ (уй-жой
мулкдори Ф.И.О. ёки уй-жой берган ташкилот номи)

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги оила аъзоларимни ҳисобга олишингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____

Менга қайта ҳисобга олиш тартиби ва ариза берини муддати тушинтирилди.

_____ серияли _____ - сон қайд варағини олдим.

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____ 20__ йил “__” _____

Изоҳ. Ариза берувчи учун ишончли вакиллар, вояга етмагачлар учун эса ота-оналар, васий
(ҳўминг)лар вакил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
9^б-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /
_____ вилояти Ички ишлар бошқармаси
_____ туман (шаҳар) ИИБ МваФРБ

Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олинishi юзасидан
ёган аризаларини қайд этиш
КИТОБИ

Бошланди: 20____ йил « ____ » _____

Тамом бўлди: 20 ____ йил « ____ » _____

Чап томони

Т/р	Ариза берувчи ва у билан бирга келган оила аъзоларининг Ф.И.О., туғилган санаси, шахсний тасдиқловчи ҳужжат рақами	Ариза берувчининг доимий турар жойи	Ариза қайд этилган сана	Ариза берувчи ҳисобга олинган турар жой

Ўн томони

Турар жой берган мулкдорнинг доимий яшаш манзили	Қайд варағининг рақами, берилган санаси ва муддати	Ҳисобга олинган шахснинг келиш варақаси Манзил- маълумотнома бюросига юборилган сана	Ҳисобдан чиқарилган сана	Изоҳ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
9^в-илова

**Турган жойи бўйича ҳисобга олишнинг
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (бошқармалари) Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлим ёки бўлинимасига уй эгаси билан бирга мурожаат қилиш. 2. Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш. 3. Хизматни кўрсатиш учун давлат божини тўлаш.	Мурожаат қилинганда
2-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Тақдим этилган ҳужжатлар асосида сўровнома шаклини тўлдириб, автоматлаштирилган ахборот тизимига юбориш.	Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа мобайнида
3-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси	1. Сўровнома тушганидан кейин фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширилади. 2. BARE-CODE билан ҳимояланган фуқарони турар жой бўйича ҳисобга қўйиш ҳақидаги қайд варағи расмийлаштириш ҳамда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юбориш.	10 дақиқа мобайнида
4-босқич	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Қайд варағи келиб тушгандан сўнг уни расмийлаштириб ариза тақдим этиш.	10 дақиқа мобайнида

б) 2-иловада:

қуйидаги мазмундаги 21¹-банд қўшилсин:

Доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилгандан сўнг бир йил ичида республикадан чиқиб кетмаса, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтмаган тақдирда, улар олдинги яшаш жойи бўйича ёки республиканинг бошқа ҳудудига тегишли МваФР бўлинмаси томонидан доимий прописка қилинади.

Бунда доимий пропискада туриш учун чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс МваФР бўлинмасига республикадан чиқиб кетмаганлиги сабабини тўлиқ кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома – 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;

уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

жўнаб кетиш варақаси.

Прописка қилинганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

35-банднинг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмурияти томонидан улар келиб жойлашган вақтда, қанча муддат бўлишларидан қатъи назар, “Е-теһмон” дастури ёрдамида, таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар”.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 32-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Паспорт-виза режимига риоя қилиш тартиби мустаҳкамланганлиги ва уй-жой фондидан фойдаланиш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2016 йил 26 февралдаги 54-сон қарорига илованинг 3-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарорининг 2-банди ва қарорга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) 2-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури)” 2017 йил 19 июлдаги 527-сон қарорига илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 майдаги ПК-3016-сон қарори)” 2017 йил 16 августдаги 639-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биричи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон Фармони)” 2017 йил 9 октябрдаги 810-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори)” 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарорига илованинг 33-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон Фармони)” 2018 йил 3 майдаги 321-сон қарорига 1-илованинг 14-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”))” 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илованинг 59-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарорига 3-илованинг 4-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий инвесторлар учун инвестиция визаси жорий этилганлиги ҳамда улар ва уларнинг оила аъзоларининг республика ҳудудида бўлиши учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 11 октябрдаги 864-сон қарорига илованинг 3-банди.

